

**Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим
вазирлиги**

Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти

“Банк-молия хизматлари” факултети

“Молия ва суғурта хизматлари” кафедраси

“Ҳимояга тавсия этилди”

Кафедра мудири, проф.

Ж.Р.Зайналов

Баённома №__ 2017 йил __ май

5230600 – “Молия” таълим йўналиши

МК-313 гуруҳ талабаси

Турдиев Шерзоднинг

**«Банкларни узоқ муддатли кредитларини улар молиявий
ресурсларини ташкил этишдаги роли ва истиқболи (АТБ
Асакабанк Афросиёб филиали маълумотлари бўйича)»
мавзусидаги**

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

Илмий раҳбар: и.ф.н. Тўхсонов Ҳ. -

ЎзР Молия Вазирлиги бошқарма

бошлиғи муовини

Илмий маслаҳатчи: доц. Мусаев Р.

САМАРҚАНД – 2017

Мундарижа

Кириш.....	4
I Боб. Банкларни кредит бериш механизмини, улар молиявий ресурсларини шакллантиришдаги аҳамияти	
1.1. Банк кредитини бериш механизмини, улар молиявий ресурсларини шакллантиришдаги хусусиятлари.....	9
1.2. Банк ва миқдор муносабатларини кредит маблағларининг қайтарилиш таъминотларини таъминлашдаги аҳамияти.....	13
1.3. Банкни дастлабки узоқ муддатли молиявий ресурсларини шакллантириш зарурияти.....	15
II Боб. Банкларни узоқ муддатли кредитларини улар молиявий ресурсларини ташкил этишдаги ролига қараб ташкил этиш амалиёти ва таҳлили	
2.1. Банкларни узоқ муддатли кредит бериши учун узоқ муддатли молиявий ресурсларини ташкил этиш амалиёти.....	18
2.2. Банкларнинг узоқ муддатли кредитларини уларни узоқ муддатли молиявий ресурсларини ташкил этиш орқали шакллантириш имкониятлари.....	20
2.3. Банкларнинг ўз маблағлари ва жалб қилинган маблағларини узоқ муддатли кредит ресурсларига жалб этиш ҳолати ва таҳлили.....	24
III Боб. Банкларни узоқ муддатли кредитларини улар молиявий ресурсларини ташкил этишдаги роли ва истиқболи	
3.1. Банк молиявий ресурсларини ташкил этишда кредит таъминот турлари асосида кредит беришнинг усуллари.....	27

3.2. Банк ресурсларини узоқ ва қисқа муддатли ресурсларга гуруҳланиши ва активларга жойлаштирилишига йўналтирилиши.....	29
3.3. Банкларни узоқ муддатли кредитларини улар молиявий ресурсларини ташкил этишдаги истикболи.....	37
 IV Боб. АТБ Асакабанк Афросиёб филиалида ҳаёт фаолияти хавфсизлигини ҳолати ва самарали ташкил этиш йўллари	
4.1. Ҳаёт фаолияти хавфсизлигининг аҳамияти.....	44
4.2. АТБ Асакабанк Афросиёб филиали ходимлари меҳнат ва ёнғин хавфсизлиги доирасидаги чора-тадбирлари.....	45
4.3. АТБ Асакабанк Афросиёб филиалида фавқулотда ҳолатлар доирасидаги чора-тадбирлари.....	50
4.4. АТБ Асакабанк Афросиёб филиалида фаолият кўрсатаётган ходимларга тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича амалга оширилиб келаётган ишлари ва уни мукаммаллаштириш йўллари.....	57
Хулоса.....	59
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	61

Кириш

Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И.А. Каримов тижорат банкларининг инвестицион фаоллигини оширишнинг зарурлиги масаласига алоҳида тўхталиб, жумладан, шундай деган эдилар: “Банклар томонидан фақат ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва технологик янгилаш дастурларини молиялаштиришга йўналтирилган кредитлар ҳажми ..., айланма маблағларни тўлдириш учун ажратилган кредитлар ... зиёд ошди¹. Энг муҳими “Мудис”, “Стандарт энд Пурс” ва “Фитч рейтингс” каби етакчи агентликлари Ўзбекистон банк тизими фаолиятини “барқарор” деб баҳоламоқда.

Тижорат банкларининг узоқ муддатли молиявий ресурс базасини мустаҳкамлаш уларнинг узоқ муддатли кредитлаш амалиётини (асосан инвестицияларни қўллаб-қувватлаш учун) оширишнинг зарурий шarti ҳисобланади. Бу эса, ўз навбатида, банкларнинг узоқ муддатли депозитлари ва қимматли қоғозлар билан боғлиқ бўлган эмиссия операциялари ҳажмини ошириш заруриятини юзага келтиради. Тижорат банкларининг узоқ муддатли кредитлаш ресурс базасини шакллантириш билан боғлиқ харажатларнинг қисқариши мос равишда кредитлар бўйича фоиз ставкаларининг пасайтириш билан боғлиқ масалаларини бениҳоят долзарб эканлигини англатади.

Бугунги кунда иқтисодиётни таркибий ўзгартириш ва модернизация қилиш, техник ва технологик жиҳатидан янгилаш жараёнида устувор лойиҳаларни молиялаштиришда тижорат банклари муҳим ўрин тутаяди. Жаҳон амалиётидан маълумки, банкларнинг инвестицион кредитлаш фаолияти бевосита иқтисодиётнинг ўсишини таъминлаб берувчи асосий

¹ Каримов И.А. Бош мақсадимиз – мавжуд қийинчиликларга қарамасдан, олиб бораётган ислохотларни, иқтисодиётимизда таркибий ўзгаришларни изчил давом эттириш, хусусий мулкчилик, кичик бизнес ва тадбиркорликка янада кенг йўл очиб бериш ҳисобидан олдинга юришдир. //Халқ сўзи, 2016 йил 15 январ. №12.

омил ҳисобланади. Шу ўринда тижорат банкларининг кредит портфели сифатини яхшилаш, узоқ муддатли инвестицион кредитлар улушини ошириб бориш масаласи долзарб ҳисобланади.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Тижорат банклари фаолиятида узоқ муддатли кредитлашни такомиллаштириш масалалари хорижлик иқтисодчилар О.Лаврушин, В.Колесников, Г.Панова, И.Мамонова, В.Усоскин, Д.МакНотон, Э.Долан, А.Симановский, Дж. Синкилар²нинг илмий ишларида ўрганилган.

Ҳозирги шароитда Ўзбекистонда ҳам банк тизимини ривожлантириш ва банklar фаолиятини эркинлаштириш билан боғлиқ масалалар Ш.Абдуллаева, Ж.Зайналов, О.Иминов, Т.Маликов, С.Норқобилов, А.Қодиров, Т.Қоралиевлар³ томонидан тадқиқ этилган.

Юқорида қайд этилган иқтисодчи олимларнинг илмий ишларида тижорат банклари узоқ муддатли кредитлаш ва уни такомиллаштиришнинг асосий йўналишлари алоҳида мустақил тадқиқот объекти сифатида ўрганилмаган. Илмий муаммони долзарблиги ва иқтисодий адабиётда етарли

² Деньги, кредит, банки : учебник / коллектив авторов ; под ред. О.И. Лаврушина. – 12-е изд., стер. – М.: КНОРУС, 2014. – 448 с.; Банковское дело. Учебник 2-е изд. // Под ред.: Колесников В.И. – М.: Финансы и статистика, 1996; Панова Г.С. Концепция банковского маркетинга. М., 2006. - с.44.; Организация деятельности центрального банка : учебник/Г.Г. Фетисов, О.И. Лаврушин, И.Д. Мамонова ; под общ. ред. Г.Г. Фетисова. - 3-е изд., стер. - М.: КНОРУС, 2008. – 432 с.; Усоскин В.М. Современный коммерческий банк: Управление операциями. – М.: Вазар-Ферро, 1994. – с. 97; Нотон М.Д. Банковские учреждения в развивающихся странах. Пер. с англ. В 2-х т. – Вашингтон, 1994; Долан Э. Дж. и др. Деньги, банковское дело и денежно-кредитная политика. Пер. с англ. – Москва-Ленинград: 1991. – 446-с.; Симановский, А. Ю. Банковское регулирование: революция // Деньги и кредит. – 2014. – № 3. – С. 3-11.; Синки Дж.Ф., мл. Управление финансами в коммерческих банках: Пер. с англ. 4-го перераб. изд./Под ред. Р.Я.Левиты, Б.С.Пинскера. - М.: Catallaxy, 1994

³ Абдуллаева Ш.З. Банк рисклари ва кредитлаш. Тошкент, 2002. - 107 б.; Зайналов Ж и др.. Управление банковскими рисками в условиях модернизации экономики.. - М.: ООО «Пресс-Принт», 2013. – 36 с.; Иминов О. Кредитный механизм современных условиях. Монография. – Т.: ТГЭУ, 2000.; Норқобилов С. Банк иши. – Т.: 2012; Қоралиев Т.М. ва бошқалар. Хўжалик юретишнинг ҳозирги босқичида кредит механизми ва банklar. – Тошкент, 1991. -80 б.

тадқиқ этилмаганлиги ушбу мавзуни тадқиқот мавзуси сифатида олинishiга асос бўлди.

БМИнинг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Тадқиқот иши СамИСИнинг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ бажарилган.

Тадқиқот мақсади. Тадқиқотнинг мақсади банкларни узоқ муддатли кредитларини улар молиявий ресурсларини ташкил этишдаги ролини такомиллаштиришга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсияларни ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқот вазифалари. БМИнинг мақсадидан келиб чиқиб, қуйидаги вазифалар қўйилган:

- банк кредитини бериш механизмини, улар молиявий ресурсларини шакллантиришдаги хусусиятларини ўрганиш;
- банкни дастлабки узоқ муддатли молиявий ресурсларини шакллантириш заруриятини асослаш;
- банкларни узоқ муддатли кредит бериши учун узоқ муддатли молиявий ресурсларини ташкил этиш амалиётини таҳлил қилиш;
- тижорат банкларининг узоқ муддатли кредитлашни таҳлил қилиш ва унга хос бўлган ривожланиш тенденцияларини ёритиш;
- банк мижозларининг кредит тўлови қобилиятини баҳолаш тизимларини таҳлил қилиш ва такомиллаштиришга қаратилган таклифларни асослаш;
- тижорат банклари узоқ муддатли кредитлашни такомиллаштириш йўналишларини аниқлаш;
- тижорат банклари узоқ муддатли кредитлашни кредитлаш тизимида тутган ўрнини аниқлаш;
- Ўзбекистон тижорат банкларининг узоқ муддатли кредитлашни бошқаришни такомиллаштириш юзасидан илмий таклиф ва амалий тавсияларни ишлаб чиқиш.

Тадқиқот объекти сифатида АТБ Асакабанк Афросиёб филиали ҳисобланади.

Тадқиқот предмети тижорат банклари узоқ муддатли кредитларини бериш ва қайтаришдаги молиявий муносабатлар ҳисобланади.

Тадқиқот методлари. БМИни ёзишда гуруҳлаш, қиёсий таҳлил, таркибий таҳлил каби усулларидадан фойдаланилди.

Ҳимояга олиб чиқиладиган асосий ҳолатлар бўлиб қуйидагилар ҳисобланиши мумкин:

- хорижий мамлакатлардаги кредитлаш тизимидаги тажрибалардан мамлакатимиз банклари фаолиятида ижодий қўлланилиши ўзининг ижодий натижаларини беришни асослаш;

- банк миқозларида юқори ликвидли гаров объектларининг етишмаслигини ҳисобга олиб, миқозларнинг кредитга лаёқатлилигини баҳолашнинг молиявий кўрсаткичлар тизимидан тўлиқ фойдаланишни йўлга қўйишнинг лозимлиги таклиф этиш;

- узоқ муддатли кредитлашнинг инновацион хизматларида фойдаланиш шарт-шароитлари ишлаб чиқиш.

Ишнинг илмий янгилиги Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг узоқ муддатли кредитлаш амалиётини такомиллаштиришга қаратилган илмий таклиф ва амалий тавсияларнинг ишлаб чиқиш билан белгиланиши кўзда тутилган.

БМИнинг илмий янгилиги қуйидаги натижалар орқали намоён бўлиши мумкин:

- банкларнинг узоқ муддатли кредитлаш амалиётини такомиллаштиришга қаратилган илмий таклифлар ишлаб чиқишда;

- кредитнинг айланиш тезлиги ҳисобидан даромадлилик даражасини ошириш тижорат банклари фаолиятида устивор аҳамиятга эга эканлиги асослаб беришда;

- тижорат банкларида муддати ўтган кредитларнинг жами кредит куйилмалари таркибидаги салмоғининг ўсиш тенденциясининг мавжудлиги ва уларнинг келиб чиқиш сабаблари аниқлаш;

- тижорат банкларининг узок муддатли кредитлашни такомиллаштириш юзасидан илмий таклиф ва амалий тавсиялар ишлаб чиқиш кабилар бўлиши кўзда тутилади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Ишда ишлаб чиқилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар мамлакатимиз тижорат банкларининг кредитлашни такомиллаштириш йўналишларини ишлаб чиқишда қўлланилиши мумкин.

БМИнинг материалларидан кейинчалик олий ўқув юртларида “Пул, кредит ва банklar”, “Молия” курслари ўқув дастурини такомиллаштириш ва ўқитишда фойдаланиш мумкин.

Натижаларнинг жорий қилиниши. Магистрлик диссертацияда ишлаб чиқилган илмий таклиф ва амалий тавсиялар АТБ Асакабанк Афросиёб филиали томонидан қабул қилиниши кўзда тутилган.

Ишнинг синовдан ўтиши. БМИнинг илмий натижалари Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти “Молия ва суғурта хизматлари” кафедрасининг 2017 йил 26 май 10-сонли илмий семинарида муҳокама этилди ва ҳимояга тавсия этилди.

БМИнинг тузилиши ва ҳажми. БМИ кириш, тўрт боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Унинг матни 64 бет бўлиб, унда 6 та жадвал ва 8 та диаграмма мавжуд.

**I-Боб. Банкларни кредит бериш механизмини, улар молиявий
ресурсларини шакллантиришдаги аҳамияти**
**1.1. Банк кредитини бериш механизмини, улар молиявий ресурсларини
шакллантиришдаги хусусиятлари**

Мамлакатимиз банкларида банк-мижоз-кредит муносабатларини тартибга солувчи кредит бериш механизми қоидалари асосини анъанавий усул ва қоидалар ташкил этар экан, банк-мижоз-кредит муносабатларида юзага келаётган молиявий муаммолар ечимини топиш мураккаб бўлиб қолаверади. Гарчи, кредит бериш қоидалари асосий тамойиллар, муддатлилик, тўловлилик, таъминланганлик, мақсадли ишлатилиш ва қайтарилиш тамойилларига асосланган бўлсада, нима учундир банк даромадига таъсир этувчи муаммоли кредитлар юзага келмокда. Бунинг асосий сабаби нимада? Нима учун айрим ҳолларда замонавий техник асбоб-ускунага, истикболли молиявий бизнес режаларга эга бўлган субъектлар кредит ололмай сарсон бўлмокда ва нима учун кредит тарихи аъло ҳисобланган субъектлар ижро даврига келиб тулов қобилиятини йўқотиб банк кредитини ва фоизаларини тўлай олмай қолмокда ва нима сабабли кредит қоидалари мукамал тузилиб, кредитор манфаатлари ҳимояланган бўлсада, кредит амалиётлари таваккалчилик хатарининг юқорилиги ҳақида кредит бериш қоидалари устида чуқурроқ таҳлилий изланишлар олиб бориши заруриятини келтириб чиқармокда. Хўш кредит бериш қоидаларига банклар тўлиқ риоя этсаларда, муаммоли кредитлар юзага келиш ҳолатлари қандай омиллар таъсири натижаси ва бу омилларни бартараф этиш учун кредит қоидалари таркибига кредит беришнинг қандай усул, шакл, тартибларини киритиш лозим? – деган савол туғилиши табиий. Бу саволга жавоб топиш учун аввало муаммоли кредитларни юзага келтирувчи омилларни кўриб чиқиш ва бу омиллар салбий таъсиридан банкларни молиявий муҳофазалашнинг қандай чоралари амалдаги кредит қоидалари таркибига киритилганлигини ва киритиш зарурлигини назарий таҳлил этиб ўтиш лозим бўлади.

Амалий тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, муаммоли кредитлар асосан:

1. Банк ходимининг қарз оловчи хўжалик субъекти молиявий ҳисоботларини тўғри ва ҳаққоний таҳлил этиш учун малака ва тажрибаси етишмаслиги;

2. Банк кредит қўмиталарининг расмийчилик учунгина иш юритиши, шунингдек, ўз ваколатли ва масъулиятли вазифасига совуққонлик билан қараши;

3. Банк-мижоз-кредит муносабатларида яқдилликнинг йуклиги;

4. Банк-мижоз-кредит муносабатларини тартибга солувчи шартномаларнинг ҳуқуқий ва иқтисодий саводхонлик нуқтаи назаридан тузилмаётганлиги;

5. Банк мансабдор шахсларининг ўз ваколатини суиистеъмол қилиши;

6. Қарздор устидан етарлича мониторинг ўрнатилмаганлиги;

7. Кредит маблагининг таъминотида қўйиладиган талабларнинг ҳуқуқий ва иқтисодий саводхонлик нуқтаи назаридан таҳлил этилмай расмийлаштирилиши;

8. Мажбурият ижроси таъминотларига белгиланган амалдаги қонун талаблари амалиётда юзага келаётган муаммолар ечимини топиш учун етарли эмаслиги каби омиллар натижасида юзага келар экан.

Бу омиллар таъсирини камайтириш учун кредит қоидаларига шундай бир тартиб ва қоидаларни киритиш лозимки, бу тартиб ва қоидалар асосини қарздор субъектнинг молиявий ҳолатини таҳлил этиш тартибининг иқтисодий ва ҳуқуқий таҳлил этилган шакли банк-мижоз-кредит муносабатларида яқдиллик, қарздор устидан доимий мониторинг ўрнатиш, банк-мижоз муносабатларини тартибга солувчи шартномаларнинг иқтисодий ва ҳуқуқий саводхонлик нуқтаи назаридан тузилган шакллари, таъминот усулларида фойдаланишнинг иқтисодий ва ҳуқуқий таҳлил этилган тартиблари белгиланган бўлиши лозим.

Бундай талабларни ўз ичига олган кредит бериш қоидаларини тузиш учун кредит бериш тамойилларига риоя этган ҳолда кредит беришнинг муқобил усуллари устида илмий изланиш олиб борилиши давр талабидир.

Кредит беришнинг муқобил усулларида банк-мижоз-кредит муносабатларининг, шунингдек, мажбурият ижроси таъминот усуллариининг қонун билан тақиқланмаган шаклларида, шунингдек, иқтисодий ва ҳуқуқий таҳлил этиш тартибларида фойдаланиш ва мазкур кредитлашнинг ўзига хос усуллариини тавсия характеридаги тартиблар асосида аста-секин амалиётга татбиқ этиш тадбирларини кўриш лозим.

Худди шундай, банк-мижоз-кредит муносабатларини тартибга солувчи амалдаги қонун ва меъёрий ҳужжат талаб ва қоидаларига зид бўлмаган кредитлашнинг тавсия характеридаги қўйидаги тартибидан амалиётда фойдаланишни тавсия этиш мақсадга мувофиқ.

Амалиётда шундай бир ҳўжалик субъектлари банкларга кредит сўраб мурожаат этадиларки, уларнинг ажойиб режалари, ишлаб чиқариш техник ускуналарининг замонавийлиги бошқарув ва ишлаб чиқариш ишчи-ходимларининг юқори малакага эга эканлиги кредит бериш жараёнида муаммо туғдирмайдигандек туюлади. Лекин кредит бериш жараёнида мазкур ҳўжалик субъектининг кредитга лаёқати кредит маблағининг қайтарилишини таъминлаш асосидагина кредит расмийлаштирилишини тақозо этганда, муаммо вужудга келади. Бу муаммо асло таъминотнинг йўқлигидан эмас, чунки харидоргир маҳсулот ишлаб чиқаришга мўлжалланган замонавий техник ускунага эга бўлган корхона мажбурият бажарилишини таъминлай олади. Муаммо таъминот учун тақдим этилаётган гаровни расмийлаштириш билан боғлиқ бўлган харажатлар учун маблағнинг йўқлиги ёки етмаслигидир. Бўлиб-бўлиб баҳоланиш имкони бўлмаган бир неча юз миллионли асбоб-ускунани мажбурият бажарилишининг таъминоти учун гаровга қўйилган бўлса, гаровни расмийлаштириш билан боғлиқ харажатлар (давлат божи гаров мулкани суғурталаш каби) салмоқли маблағни талаб этади. Бундай

маблағга эга бўлмаган корхона мажбурият бажарилиши учун таъминотга эга бўлса-да таъминотни расмийлаштира олмайди.

Мажбурият бажарилишининг таъминоти расмийлаштирилмагач, табиийки банк ҳам мазкур корхонага кредит ажрата олмайди. Баъзан амалиётда банклар томонидан меъёрий ҳужжат талаб ва қоидаларига зид ҳолда таъминотни расмийлаштириш билан боғлиқ харажатларни кредит маблағи ҳисобидан тўлаб юбориш ҳоллари учраб туради. Чунки коидани бузса-да, фойда олишни кўзлаган ҳар қандай банк ҳам харидоргир маҳсулот ишлаб чиқаришга мўлжалланган лойиҳага, замонавий асбоб-ускунага эга бўлган корхонага кредит ажратишга жазм этади. Амалдаги кредит бериш қоидалари асосида бу муаммони ечиб бўлмайди, лекин келажакда фойда олиши мумкин бўлган корхонага ёрдам бермаслик ҳам нотўғри. Бундай ҳолда «банкир»лар икки ўт ўртасида қоладилар, яъни бир ёқда тартиб-қоида ва бир ёқда келажаги порлоқ лойиҳага ва мажбурият бажарилишининг таъминотига эга бўлган кредит маблағига муҳтож корхона туради. Бадиий ибора билан айтганда, банклар "сиз ҳам, кабоб ҳам куймайдиган" йўлни танлашлари лозим, лекин бу йўлни амалдаги кредит бериш қоидалари асосида танлаш мушкул. Мазкур муаммони ечиш учун банк амалиётида қўлланилмаётган қуйидаги кредит бериш усуллари таклиф этиш мумки:

1.Келажакда қарздор ёки сотувчи яратадиган товар маҳсулот ҳақини талаб қилиш ҳуқуқини олиш таъминоти асосида кредит бериш.

2.Қарз оловчи мулкдорларининг мулкдаги улушларига эгалик ҳуқуқини олиш таъминоти асосида кредит бериш.

3.Мажбурият бажарилиши учун ҳар иккала таъминот тури ҳам келажакда етарли бўлмаган тақдирда, қарздор мажбуриятини лозим даражада бажарилишини таъминлаш мақсадида мулкдорларнинг мажбурият бажарилишига мулккий жавобгарлиги асосидаги кафиллигини олиш.

Банкларда кредит бериш амалиёти таваккалчилик хавфи юқори амалиёт ҳисобланади, шу боисдан бу икки таклиф этилаётган усуллар ҳам

рискдан холи эмас, лекин бу рискни камайтириш чора-тадбирини кўриш мумкин.

1.2. Банк ва мижоз муносабатларини кредит маблағларининг қайтарилиш таъминотларини таъминлашдаги аҳамияти

Банк ва мижоз муносабатларини яқдилликка олиб келиш билан бирга банк учун мижознинг ишлаб чиқариш жараёнидаги иқтисодий ўзгаришларни нафақат кузатиб бориш, балки бу жараёнда иштирок этиб бориш имконини беради. Бу эса банк-мижоз муносабатларида шу пайтгача мавжуд бўлган қўштирноқ ичидаги тўсиқнинг йўқолишига олиб келади. Бу тўсиқнинг йўқолиши эса қарздорнинг тўғри бошқарув қарорини қабул қилиб иш юритишига ва бунинг натижасида банк кредитини ва унга ҳисобланган фоизларни қайтарибгина қолмай, балки ўзи ҳам фойда олишига имкон яратади, чунки, банк назоратига нафақат кредит маблағининг мақсадлилигини таҳлил этиш, балки кредит маблағи ҳисобига сотиб олинган хом ашёнинг тўғри сарфланиши ва ишлаб чиқариш жараёнини назорат этиш, бошқарув қарорларини қабул қилишда иштирок этишни ҳам ўз ичига олади. Банклар шу пайтгача қарз олувчидан кредит бериш қоидалари асосида талаб қилинган ҳужжатлар йиғма жилдини тайёрлаш ва мажбурият бажарилишининг таъминотини таъминлаш чораларини кўриш ва кредит маблағини мақсадлилигини таҳлил этиш билангина чекланиб қолар ва қарздор фаолиятида юз бераётган жараёнларга аралашмаган ҳолда кредит маблағини шартномада белгиланган муддатларда тўлаб боришни талаб этиш билан иш юритади. Шу сабабли ҳам банклар томонидан кредит маблағининг қайтарилиш таъминотлари таъминланиб, кредит беришга доир барча ҳужжатлар меъёрий ҳужжат қоидалари асосида тайёрланган бўлса-да, муаммоли кредитлар ҳамон мавжуд. Банклар ҳозирги тартиб-қоидалар асосида ўз вазифаларини қойил-мақом қилиб бажарган тақдирда ҳам мижознинг ишлаб чиқариш ва сотиш жараёнларида иштирок этмаслиги оқибатида умидсиз

қарзлар юзага келаверади. Биз таклиф этаётган усулда яъни «Келажакда қарздор ёки сотувчи яратадиган товар маҳсулот ҳақида эгаллик қилиш ва сотиш ҳуқуқини олиш таъминоти асосида кредит бериш» усулида:

1.Мажбурият бажарилишининг таъминотида мол-мулки, харидоргир маҳсулот ишлаб чиқаришга мўлжалланган лойиҳага ва замонавий асбоб-ускуна ҳамда малакали кадрларга эга бўлган, лекин таъминотни расмийлаштиришга маблағи бўлмаган корхона қўшимча харажатлар қилишдан озод қилган ҳолда кредит маблағидан фойдаланишига имкон беради.

2.Қарздор фаолияти банк томонидан тўла назоратга олинади, натижада корхона ўз фаолиятини бизнес-режа асосида ва бошқарув қарорларини банк билан маслаҳатлашиб бозор конъюнктураси талаблари асосида қабул қилган ҳолда юритишига олиб келади.

3.Қарздор фаолиятидаги иқтисодий жараёнлар банк томонидан ҳам «дистанцион», ҳам жойларга чиқиш йўли билан таҳлил этиб борилади. Бу эса кредит маблағининг самарасиз сарфланишига йўл қўймаслик билан бир қаторда дебиторлик ва кредиторлик қарзларининг ҳам юзага келишига йўл қўймайди.

4. Олди-сотди шартномаларининг ҳуқуқий саводхонлик билан тузилишига ва томонлар ўз мажбуриятларини (сотувчи ва харидор) бажарилишини таъминлаш чоралари қатъий белгиланишига олиб келади.

Банклар томонидан кредит бериш қоидаларини такомиллаштиришда тавсия этилаётган усул бу «Қарз оловчи мулкдорларининг мулкдаги улушларига эгаллик ҳуқуқини олиш таъминоти асосида кредит бериш усули»дир. Бу усул юксак замонавий, технологик асбоб-ускунага эга, ишлаб чиқарувчи маҳсулотларига бозорда талаб юқори, ва олдиндан аниқ сотиб оладиган харидорларга эга бўлган хўжалик субъектлари учун кредит расмийлаштиришда фойдалидир. Бу усул:

1.Банкнинг бир корхона устав капиталига, шунингдек, ушбу

корхонанинг бошқа қимматли қоғозларига қўйилма (инвестиция) қилиш;

2. Қарз олувчи мулкдорларининг мулк-даги улушига эгалик ҳуқуқини олиш таъминоти асосида кредит бериш орқали ифода этиш мумкин.

1.3. Банкни дастлабки узоқ муддатли молиявий ресурсларини шакллантириш зарурияти

Маълумки, 2015 йил 1 январдан бошлаб банклар ликвидлиликни қоплаш меъёрини таъминлашлари шарт бўлиб, ушбу меъёр ликвид активларнинг талаб қилиб олингунча ва бажариш муддати 30 кунгача бўлган мажбуриятлар суммасига нисбати сифатида аниқланади. Бу эса банклардан вакиллик ҳисобварағидаги маблағлар ҳолатини тезкор — ҳар куни, ҳатто ҳар соатда аниқлаб борилишини талаб этади. Унинг амалдаги ҳолати изок муддатли берилиши мумкин бўлган кредит ресурсларини ташкил этишда муҳим аҳамият касб этади. Унинг амалдаги ҳолати узоқ муддатга берилиши мумкин бўлган кредит ресурсларини ташкил этишда муҳим аҳамият касб этади.

Ҳар қандай банк дастлаб молиявий ресурсларини шакллантиради. Ресурслар аввало банкнинг вакиллик ҳисобварағига ёки унинг кассасига кириш қилинади ва улар даромад келтирувчи активларга йўналтирилади. Зеро, бозор иқтисодиёти шароитида банк фаолиятининг асосий мақсади даромад олишдан иборат. Ресурсларнинг даромад келтирувчи активларга йўналтирилган қўлами канча кенг бўлса, табиийки, даромад ҳам шунга мос равишда кўп бўлади.

Шу билан бирга, банк барча ресурсларини даромад олиш мақсадида мавжуд даромад келтирувчи активларга йўналтира олмайди. Чунки ресурсларнинг асосий қисми мижозларга тегишли бўлиб, банк уларнинг маълум қисмини шу талабни қондириш учун вакиллик ҳисобварағида ҳаракатсиз сақлаб туришга мажбур. Мижозларнинг ликвидли маблағларга бўлган талабини қондира олмаслик банкка бўлган ишончни йўкотади.

Мижозлар ишончини йўқотган банкнинг эса истиқболи йўқ. Россиялик иктисодчи Г.Н. Белоглазова: «Ликвидлилик – бу банк соғломлигини кўрсатувчи индикатор ва бу борада муаммолар пайдо бўлиши унинг бузилганлигини кўрсатувчи биринчи ташхисдир», – деб бежиз таъкидламаган.

Шундай қилиб, банк олдида иккита муҳим – даромадлилик ва ликвидлиликни таъминлаш масаласи пайдо бўлади ёки «ликвидлилик хатари»ни бошқариш талаби вужудга келади. Бу банклар пайдо бўлгандан бошлаб юзага келган азалий масала бўлиб, банк фаолиятида доимо мавжуд. Айрим мамлакатларда мазкур муаммони Марказий банк томонидан тижорат банкларининг вакиллик ҳисобварағидаги маблағлар суммасига меъёрлар, хусусан. «лаҳзалик коэффициент»ни ўрнатиш орқали ҳал этмоқчи бўлишади. Қолаверса, Базель кўмитасининг ҳам бу соҳада ўз талаблари мавжуд.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг «Тижорат банкнинг ликвидлигини бошқаришга бўлган талаблар тўғрисида»ги Низоми (1998 йил, 2 декабрь, рўйхат рақами — 559,) бугунги кунда шу соҳани тартибга солувчи амалдаги ягона меъёрий ҳужжат ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2012 йил 29 декабрдаги «Тижорат банклари ликвидлигини бошқаришга бўлган талаблар тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимча киритиш ҳақида»ги 36/1-сонли Қарорига мувофиқ, мазкур низомга 2013 йил 29 январда 559-1-сон билан рўйхатга олинган ўзгартиришлар киритилди. Ушбу ўзгартиришларга мувофиқ, 2015 йил 1 январдан бошлаб барча банклар ликвидликни қоплаш меъёрини таъминлаши шарт бўлиб, ушбу меъёр ликвид активларнинг талаб қилиб олингунча ва бажариш муддати 30 кунгача бўлган мажбуриятлар суммасига нисбати сифатида аниқланади. Ликвидликни қоплаш меъёри 100 фоиздан кам бўлмаслиги лозим. 2018 йил 1 январдан бошлаб банклар 100 фоиздан кам бўлмаган микдорда соф барқарор молиялаштириш меъёрини таъминлаши шарт.

Шу муносабат билан банк вакиллик ҳисобварағидаги маблағлар ҳолатини тезкор - кунлик, ҳатто соатлик аниқлаб бориш долзарб масалалар сирасига киради. Мақсадимиз Ўзбекистон Республикаси Марказий Банки Бошқарувининг 2004 йил 17 июлдаги «Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларида бухгалтерия ҳисобининг ҳисобварақлар режасига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги 15/3-сонли Қарори (2004 йил, 13 август, рўйхат рақами — 773-17)дан (кейинги матнда «Ҳисобварақлар режаси») фойдаланган ҳолда банк ресурсларини вакиллик ҳисобварағидаги маблағлар билан боғлиқ равишда ўта тезкор бошқариш тартиботини такомиллаштириш бўйича таклифларимизни мутахассислар эътиборига тақдим этишдан иборат. Айтиш пайтда Автоматлаштирилган банк тизимининг (АБТ) дастурий унсурларини эътибордан четда қолдирмасликка ҳаракат қилиш, зеро бугунги кундаги банк фаолиятини бошқаришни уларсиз тасаввур этиш мумкин эмас.

II-Боб. Банкларни узок муддатли кредитларини улар молиявий ресурсларини ташкил этишдаги ролига қараб ташкил этиш амалиёти ва таҳлили

2.1. Банкларни узок муддатли кредит бериши учун узок муддатли молиявий ресурсларини ташкил этиш амалиёти

2016 йил давомида тижорат банкларининг жами кредитлари бўйича ўртача тортилган фоиз ставкаси деярли 2015 йилги кўрсаткич (11,4 фоиз) даражасида қолиб, 11,5 фоизни ташкил этди. Бунда имтиёзли кредитлар бўйича (қишлоқ хўжалигига ажратилган кредитларни инобатга олган ҳолда) фоиз ставкалари 6 фоизни ташкил қилди⁴.

Хусусан, банк тизими соф ташқи активлари кўпайиши ҳисобига шаклланган кўшимча ликвидликнинг инфляцион босимга таъсирининг олдини олиш мақсадида тижорат банкларининг бўш пул маблағларини Марказий банкдаги депозитларга мунтазам равишда жалб этиш орқали стерилизация операциялари ўтказилиб борилди.

Банк тизимидаги ликвидлик даражасини бошқариш ва шу орқали иқтисодиётдаги пул таклифини тартибга солишда, шунингдек, мажбурий заҳира талабларидан ҳам кенг фойдаланилди (1-диаграмма).

Хусусан, пул агрегатларининг динамикаси ва уларнинг мақсадли прогноз параметрларидан келиб чиққан ҳолда мажбурий заҳира талаблари муддати 1 йилгача бўлган депозитлар учун – 15 фоиз, муддати 1 йилдан 3 йилгача бўлган депозитлар учун – 12 фоиз, муддати 3 йилдан ортиқ бўлган депозитлар учун 10,5 фоиз миқдорида ўзгартирилмасдан ушлаб турилди.

Натижада мазкур даврда тижорат банкларининг Марказий банкдаги мажбурий заҳиралар ҳажми 644 млрд. сўмга ёки 20 фоизга кўпайди.


Бунда 2016 йилда инфляция даражасининг кузатилган динамикаси ва мавжуд инфляцион кутилмалардан ҳамда пулга бўлган талабнинг реал

⁴ Пул-кредит соҳасидаги мавжуд вазият ва монетар сиёсатнинг 2017 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари. // Бозор, пул ва кредит, 2017 йил январ 1-сон

ҳолатидан келиб чиқиб, қайта молиялаш ставкаси ўзгартирилмасдан йиллик 9 фоиз миқдорида сақлаб турилди.

1-диаграмма

Мажбурий заҳиралар қолдигининг динамикаси⁵, млрд. сўмда



Умуман олганда, пул-кредит сиёсати инструментларидан самарали фойдаланиш пул массасининг ЯИМга нисбатини белгиланган прогноз кўрсаткичлари доирасида ушлаб туриш ва инфляция даражасига монетар омиллар таъсирининг олдини олиш имконини берди.

Бунда 2016 йилда инфляция даражасининг кузатилган динамикаси ва мавжуд инфляцион кутилмалардан ҳамда пулга бўлган талабнинг реал ҳолатидан келиб чиқиб, қайта молиялаш ставкаси ўзгартирилмасдан йиллик 9 фоиз миқдорида сақлаб турилди.

Умуман олганда, пул-кредит сиёсати инструментларидан самарали фойдаланиш пул массасининг ЯИМга нисбатини белгиланган прогноз кўрсаткичлари доирасида ушлаб туриш ва инфляция даражасига монетар омиллар таъсирининг олдини олиш имконини берди.

⁵ Пул-кредит соҳасидаги мавжуд вазият ва монетар сиёсатнинг 2017 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари. // Бозор, пул ва кредит, 2017 йил январ 1-сон

Ўз навбатида, қайта молиялаш ставкасининг ушбу даражасида сақлаб қолиниши иқтисодиётга ажратилаётган кредитлар қолдиғини 25 фоизга оширишга ва мамлакатдаги юқори инвестицион фаолликни сақлаб қолишга имкон беради ҳамда инфляция даражаси белгиланаётган прогноз кўрсаткичлари доирасида бўлишини таъминлашга қаратилган самарали пул-кредит сиёсатини юритиш учун қулай шарт-шароитлар яратади.

Бундан ташқари, пул массаси ва пул бозоридаги фоиз ставкаларининг динамикасидан ҳамда тижорат банклари томонидан иқтисодиётга ажратилаётган кредитлар ҳажмининг ўсиш суръатларидан келиб чиққан ҳолда мажбурий резервлар нормаси зарур ҳолларда ўзгартириб борилади.

Бунда иқтисодиётга йўналтирилаётган инвестицион кредитларнинг барқарор ўсишини таъминлаш учун зарур бўлган тижорат банкларининг узок муддатли ресурс базасини янада кенгайтиришни рағбатлантириш мақсадида мажбурий резерв меъёрларини депозитлар муддати бўйича табақалаштириш механизмини қўллаш давом эттирилади.

Шунингдек, қайта молиялаш ставкаси ва мажбурий заҳиралар меъёрларидан, банклараро пул бозоридаги фоиз ставкаларининг барқарорлигини ва уларнинг мақбул даражада шаклланишини таъминлашда ҳам фойдаланиб борилади.

2.2. Банкларнинг узок муддатли кредитларини уларни узок муддатли молиявий ресурсларини ташкил этиш орқали шакллантириш имкониятлари

Банкларни узок муддатли кредит бериш учун муддатли ресурс базасини кенгайтиришнинг яна бир муҳим йўналиши бўлиб аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларнинг бўш пул маблағларини банклардаги депозитларга жалб қилиш ҳисобланади.

Қайд этиш лозимки, тижорат банклари томонидан аҳолининг талаби ва эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда янги омонат турларини жорий этиш ҳамда


ушбу йўналишда кўрсатилаётган хизматлар сифатини янада яхшилаш бўйича кенг кўламли ишлар амалга ошириб келинмоқда.

Ўз навбатида, аҳоли реал даромадларининг ўсиб бораётганлиги, банклардаги омонатларнинг давлат томонидан тўлиқ кафолатланганлиги, миждозларнинг биринчи талабига кўра омонатлар қайтарилишининг таъминланганлиги ҳамда банк омонатларидан олинган фоизли даромадларнинг солиқдан озод қилинганлиги аҳолининг тижорат банкларидаги омонатлари ҳажмининг барқарор ошиб боришини таъминламоқда.

2016 йил якунига кўра тижорат банклари томонидан аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектлардан жалб этилган депозитларнинг умумий ҳажми 2015 йилга нисбатан 25,2 фоизга ошиб, 44,6 трлн. сўмни ташкил этди (2-диаграмма).

2-диаграмма

Жами депозитлар қолдиғи⁶, трлн. сўм



Бундан ташқари, тижорат банклари ресурс базасини барқарор манбалар ҳисобидан янада кенгайтириб бориш мақсадида банклар томонидан узоқ


⁶ Пул-кредит соҳасидаги мавжуд вазият ва монетар сиёсатнинг 2017 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари. // Бозор, пул ва кредит, 2017 йил январ 1-сон

муддатли облигациялар ва депозит сертификатларини муомалага чиқаришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Хусусан, тижорат банкларининг муомаладаги қарз қимматли қоғозлари ҳажми 2017 йил 1 январь ҳолатига 1 054,1 млрд. сўмни, жумладан, муомаладаги узоқ муддатли облигациялар 216,3 млрд. сўмни ва депозит сертификатлари миқдори 837,8 млрд. сўмни ташкил этмоқда. Банкларнинг умумий капитали ва депозит базасининг янада мустаҳкамланиши уларнинг иқтисодиётдаги ишлаб чиқариш жараёнларини молиявий қўллаб-қувватлаш, инвестицион фаолликни рағбатлантиришни ички манбалар ҳисобига амалга ошириш имкониятларини кенгайтириб, банк тизими активларининг сифат ҳамда миқдор жиҳатдан ошишига хизмат қилмоқда.


3-диаграмма

Тижорат банкларининг жами активлари қолдиғи⁷, млрд. сўм



Хусусан, иқтисодиётнинг реал секторига йўналтирилган кредит қўйилмалари ҳажми 2016 йилда 25,1 фоизга ошиб, 53,4 трлн. сўмга етди. Мазкур кредитларнинг 80 фоизини инвестициявий мақсадларга йўналтирилган узоқ муддатли кредитлар ташкил этди (4-диаграмма).

⁷ Пул-кредит соҳасидаги мавжуд вазият ва монетар сиёсатнинг 2017 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари. // Бозор, пул ва кредит, 2017 йил январь 1-сон

Тижорат банкларининг кредит қўйилмалари динамикаси⁸, млрд. сўм

Мамлакат тижорат банкларининг халқаро молия бозорларидаги нуфузини ошириш, уларнинг рақобатбардошлигини кучайтириш мақсадида банкларнинг халқаро рейтинг баҳоларини олиш ишлари давом эттирилмоқда.

Фикримизча, тижорат банкларининг муддатли депозитлар бўйича белгиланган фоиз ставкаларини 3,0-3,5 фоизли пунктга ошириш йўли билан миқдорларнинг талаб қилиб олинadиган депозит ҳисобрақамларини барқарор қолдиғи ҳисобидан муддатли депозитлар миқдорини ошириш лозим.

Тижорат банкларининг узоқ муддатли облигацияларини муомалага чиқариш ва инвесторлар учун уларнинг барқарор даромадлигини таъминлаш амалиётини янада ривожлантириш лозим.

Шунингдек, банклар узоқ муддатли кредит бериш молиявий ресурс базасини ошириш мақсадида турли кўринишда кредит операцияларини ошириб борилишини талаб этади.

⁸ Пул-кредит соҳасидаги мавжуд вазият ва монетар сиёсатнинг 2017 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари. // Бозор, пул ва кредит, 2017 йил январ 1-сон

2.3. Банкларнинг ўз маблағлари ва жалб қилинган маблағларини узок муддатли кредит ресурсларига жалб этиш ҳолати ва таҳлили

Банк ресурслари стратегик ёки тезкор бошқарилишдан қатъи назар, ҳар иккала ҳолатда актив ва ресурслар муддатининг мослиги ҳамда улар билан боғлиқ банк операцияларининг иқтисодий мазмуни инобатга олиниши лозим. Биз таҳлил нуқтаи назаридан банк ресурсларини ташкил топиш манбаларига кўра ўз маблағлари ва жалб қилинган ресурсларга, жалб қилинган ресурсларни ўз ўрнида муддатли ва муддатсиз ресурсларга, муддатли ресурсларни эса узок ва қисқа муддатли ресурсларга бўламиз. Маблағларнинг жойлаштирилиши бўйича эса даромад келтирувчи муддатли активларга, даромад келтирмайдиган муддатсиз активлар ҳамда вакиллик ҳисобварағидаги ва бошқа соф ликвид активларга, ўз ўрнида даромад келтирувчи муддатли активлар, узок ва қисқа муддатли активларга бўлиб ўрганишга ҳаракат қиламиз. Банк актив ва ресурсларининг бундай ўзаро боғлиқлигини 1-жадвалда келтирилган моддалар билан изоҳлаш мумкин.

1-жадвал

Муддатсиз активлар ва муддатли ресурслар (капитал)ни ташкил этиш манбалари

Активлар	Ресурсар
Даромад келтирмайдиган муддатсиз активлар	Ўз ресурслари (капитал)
Даромад келтирувчи муддатли активлар: - Узок муддатли активлар; - Қисқа муддатли активлар;	Жалб қилинган ресурслар: Муддатли ресурслар: - Узок муддатли ресурслар; - Қисқа муддатли ресурслар
Соф ликвид маблағларга бўлган талаблар	Соф ликвид маблағлар билан таъминланиши

Банк молиявий ресурслари ва активларнинг иқтисодий мазмуни ва муддатлилигининг мослигини ҳисобга олган ҳолда уларнинг ўзаро мувофиқлигини таъминлаш лозим. Шу ўринда банкнинг ўз ресурсларини

шакллантириш ва уларни активларга жойлаштириш операцияларини таҳлил қиламиз.

2-жадвал

Қисқа муддатли манбалар ва муддатли ресурслар манбаларини

шакллантириш

Ўз ресурслар манбалари	Сумма	Ўз ресурслар ҳисобидан шакллантирилган активлар	Сумма
Банк капитали (30300, 30600, 30900, 31200, 31500, 31206)		Асосий воситалар (16500, 16600, 16700)	
Бошқарув (менежер) чеклари (21200)		Инвестициялар (15800)	
РЕПО битимлари бўйича сотилган қимматли қоғозлар (22300)		РЕПО битимлари бўйича сотиб олинган қимматли қоғозлар (11800)	
Банкнинг тўланмаган акцептлари (21400)		Қимматбаҳо тангалар (10900)	
Ҳисобланган солиқлар (22500)		Суд жараёнидаги кредит ва лизинглар (15700)	
Тўланиши лозим бўлган ҳисобланган фоизлар (22400, 22500, 22600)		Активлар бўйича ҳисобланган фоизлар (16300,16400)	
Ревальвация натижасида амалга ошмаган зарар (22800)		Ревальвация натижаси ўзлаштирилмаган фойда (16900)	
Бошқа мажбуриятлар (29800)(29804,29842 ҳисобварақлардан ташқари)		Бошқа активлар (19900)(19901,19903 ҳисобварақлардан ташқари)	
А гуруҳ бўйича жами ресурслар	200400,0	А гуруҳ бўйича жами активлар	75900,0
1-Натижа: (200 400,0-75900,0)	124500,0		

Банк молиявий ресурслари унинг ўз капитали бўлиб, асосан таъсисчилар томонидан шакллантирилган Устав фонди ва банкнинг соф фойдасидан ташкил топган мақсадли жамғармалар (тақсимланмаган фойда) ҳамда айрим банк активларини қайта баҳолаш натижасида вужудга келган захира фондларидан иборат. Банк капитали ресурслар таркибида 8-10%ни эгаллаганига қарамай, у универсал ресурс ҳисобланади. Банк капиталини 1 - жадвалда келтирилган барча активларга йўналтириш мумкин. Зеро, у мутлок банк тасарруфида бўлган муддатсиз ресурсдир. Шунинг учун ғарб олимлари уни «кислород ёстиғи»га қиёслашади.

Банк капитали ўз фаолиятини бошлаш учун асосий воситалар, номоддий активлар ва бошқа товар-моддий захиралар кўринишидаги активларга эга бўлиши лозим. Албатта, бу активлар бевосита даромад келтирмагани учун уларни даромад келтирмайдиган ва айни пайтда, банкнинг бутун фаолияти давомида амалда бўлгани учун уларни муддатсиз активлар дея баҳоладик. Бундан ташқари, бошқа юридик шахсларнинг устав капиталига инвестиция киритиш ва қимматбаҳо тангалар харид қилиш фақат банкнинг ўз ресурслари ҳисобидан амалга оширилади. Жалб қилинган ресурсларни бу активларга йўналтириш мумкин эмас.

Худди шундай усулда жалб қилинган ресурсларни шакллантириш ва уларни активларга жойлаштириш операцияларини таҳлил килсак. Жалб қилинган ресурслар муддатли ва муддатсиз ресурслардан иборат бўлиб, улар банк капиталидан фарқи ўлароқ, ўз эгаларига қайтарилиши лозим. Таҳлилни муддатли депозитлардан бошлаймиз. Муддатли депозитлар, жисмоний ва юридик шахсларнинг муддатли ва жамғарма депозитлари, банк томонидан чиқарилган қарз қимматли коғозлар, банк ва бошқа молиявий институтлардан қарзга одинган маблағлар ва турли ҳосилавий операциялар натижасида вужудга келган маблағлар бўлиши мумкин.

**III-Боб. Банкларни узоқ муддатли кредитларини улар молиявий
ресурсларини ташкил этишдаги роли ва истиқболи**
**3.1. Банк молиявий ресурсларини ташкил этишда кредит таъминот
турлари асосида кредит беришнинг усуллари**

Қарз оловчи мулкдорларнинг мулкдаги улушларига эгалик ҳуқуқини олиш таъминоти асосида кредит бериш усулининг иккала шаклида ҳам «Тижорат банклари томонидан қимматли қоғозлар билан ўтказиладиган операцияларга қўйиладиган талаблар тўғрисидаги низом» талаб ва қоидаларига риоя қилишлари лозим, яъни:

а) банкнинг бир корхона устав капиталига, шунингдек, ушбу корхонанинг бошқа қимматли қоғозларига қўйилмасининг миқдори биринчи даражали банк регулятив капиталининг 15 фоизидан ошмаслиги керак.

б) банкнинг барча эмитентлар устав капиталига ва қимматли қоғозларига қилган инвестициялари миқдори биринчи даражали банк регулятив капиталининг 50 фоизидан ошмаслиги керак;

в) олди-сотди учун нодавлат қимматли қоғозларига қилинган банк қўйилмаси миқдори биринчи даражали банк регулятив капиталининг 25 фоизидан ошмаслиги керак;

г) банк исталган корхона (молиявий институтларидан ташқари) устав капиталининг 26 фоизидан ортиғига тўғридан-тўғри ёки билвосита (шўъба корхоналари орқали) эгалик қилиши мумкин эмас.

Юқорида тавсия этилаётган таъминот турлари асосида кредит беришнинг ҳар икки усулини ҳам қўшимча муҳофазалаш мумкин, яъни қарздор томонидан мажбурият бажарилишига тақдим этилган таъминот (таъминот у ёки бу тури) тури келажакда мажбурият бажарилишини таъминлай олмаслик хавфи туғилган тақдирда, уни таъминлаш мақсадида, қарздор мулкдорларининг кафиллик шартномасини кредитор келажакда вужудга келадиган масъулиятни бажариш таъминоти сифатида қабул қилиши мумкин.

Тавсия этилаётган мазкур кредитлашнинг ўзига хос тартибида банк гўёки «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги Қонуннинг 4-моддаси талабини бузгандай туюлиши мумкин, аслида эса ундай эмас. Мазкур тартибда банк:

1) ишлаб чиқармайди, балки ишлаб чиқаришни молияловчи сифатида назорат қилувчи ва кузатувчи сифатида иштирок этиб, қарздор устидан доимий мониторинг олиб боради;

2) қарздор ишлаб чиқарган маҳсулот савдоси билан шуғулланувчи эмас, балки ишлаб чиқарувчи ва харидор ўртасида шартнома асосида юзага келган мажбуриятлар ижро интизомини тартибга солувчи қонун талаблари асосида таҳлил этиб боради ва ишлаб чиқарувчи томонидан етказиб берилган маҳсулот ҳақиқа берилган кредит ва унга ҳисобланган устама фоиз меъёрида маҳсулот ҳақини талаб қилиб олиш ҳуқуқига эга бўлади;

3) банк-мижоз муносабатларидаги «Пул талабномасидан бошқа шахс фойдасига воз кечиш эвазига молиялаш» амалиётида пул талабномасидан бошқа шахс фойдасига воз кечиш эвазига молиялаш шартномаси бўйича бир тараф (молия агенти) иккинчи тарафга (мижозга) шу мижознинг (кредиторнинг) учинчи шахсга (қарздорга) товар беришдан, хизматлар кўрсатишидан келиб чиқадиган пул талабномаси ҳисобидан пул маблағларини беради ёки бериш мажбуриятини олади, мижоз эса молия агентига ушбу пул талабномасини беради ёки бериш мажбуриятини олади, лекин молия агенти бошқа шахс фойдасига воз кечиш манбаи бўлган талабномани ижрога тақдим этганида қарздор бу талабномани бажармаганлиги ёки тегишли даражада бажармаганлиги учун мижоз жавобгар бўлмайди, демак бундай амалиётда таваккалчилик хатари юқори ҳисобланади.

Тавсия характеридаги мазкур тартибда эса ишлаб чиқаришни молиялаш учун берилган кредит ва устама фоизлар меъёрида мажбуриятларнинг лозим даражада бажарилиши учун ишлаб чиқарувчи жавоб бериши, харидорнинг тўловларни ўз вақтида ижро этиш таъминотлари белгиланган бўлиб, етказиб

берилган маҳсулот ҳақлари ўз вақтида тўланиши учун харидор ҳам мулкӣ жавоб бериши чоралари кўрилган бўлиши лозим.

3.2. Банк ресурсларини узоқ ва қисқа муддатли ресурсларга гуруҳланиши ва активларга жойлаштирилишига йўналтирилиши

Муддатли ресурслар ўз ўрнида узоқ ва қисқа муддатли ресурсларга бўлинади. Халқаро банк амалиёти ҳамда амалдаги банк фаолиятини тартибга солувчи қонун ҳужжатларига мувофиқ, 1 йилдан ортиқ муддатга жалб қилинган ресурслар узоқ муддатли ва 1 йилгача муддатга қабул қилинган ресурслар эса қиека муддатли ресурслар деб аталади. Даромад келтирувчи муддатли активлар ҳам айнан шундай қоида асосида узоқ ва қисқа муддатли активларга бўлинади.

Бинобарин, узоқ муддатли ресурслар узоқ муддатли активларга, қисқа муддатли ресурслар эса мос равишда қисқа муддатли активларга жойлаштирилиши лозим. Юқорида ресурс ва активларни қисқа ва узоқ муддатга бўлиш мезони 1 йилгача ёки ундан ортиқ муддат бўйича таснифлаганимиз масалага фақат расмий жиҳатдан ёндашиш, ҳолос. Аслида эса бу мутаносиблик мос равишда ойма-ой, йилма-йил, ҳатто кунма-кун нисбатда таъминланиши лозим. Хусусан, олти ойга жалб қилинган ресурслар иложи борица 6 ойлик активларга, 10 кунлик муддатли омонатлар шу муддатга мос бўлган активларга (масалан, олди-сотди қимматли қоғозлар харид қилишга ёки факторингга) йўналтирилиши лозим. Ёки бунда банк ресурсларини бошқаришнинг муддатлилиги мослигига асосланган «олтин қоида» усули қўлланилади.

А гуруҳ таҳлили натижасида банкнинг ўз ресурслари ҳисобидаги 124 500,0 млн. сўмлик маблағ бўш эканлиги аниқланди. Биз уни «1-натижа» деб атаймиз. Бу мусбат натижа ўта ижобий кўрсаткичдир. Аксинча, бўш маблағлар эмас, яъни активлар ресурслар суммасидан ортиб кетса ёки ортиқча ишлатилган маблағлар вужудга келса, бу банк балансининг

ноликвидлилигидан дарак берувчи дастлабки белгидир. Амалиётда бундай ҳолатлар жуда кам учрайди, лекин назарий жиҳатдан ҳар доим бўлиши мумкинлигини эътибордан четда қолдирмаслик лозим.

Банк капитали универсал ресурс ҳисоблангани сабаб 124 500,0 млн. сўмлик бўш маблағларни 3-жадвалда келтирилган барча активларга йўналтириш мумкин.

3-жадвал

Узоқ муддатли ресурслар манбалари	Сумма	Узоқ муддатли ресурслар ҳисобидан шакллантирилган активлар	Сумма
Лизинг бўйича мажбуриятлар (22100); Олинган узоқ муддатли кредитлар (22000)		Узоқ муддатли кредитлар ва лизинглар (14300, 14500, 14700, 14800, 14900, 15000, 15100,15200, 15300-, 15400, 15500, 15600)	
Муддати 1 йилдан ортиқ жамғарма депозитлар (20400)		Сўндириш муддатигача сақланадиган қарз қимматли қоғозларга қилинган инвестициялар (15800)	
Муддати 1 йилдан ортиқ муддатли депозитлар (20600)			
Муддати 1 йилдан ортиқ банк томонидан чиқарилган қимматли қоғозлар (23600)			
Б гуруҳ бўйича жами ресурслар	10400,0	Б гуруҳ бўйича жами активлар	90500,0
2-НАТИЖА (10 400,0-90 500,0)	-80100,0		

Қисқа муддатли ресурслар манбалари	Сумма	Қисқа муддатли ресурслар ҳисобидан шакллантирилган активлар	Сумма
Олинган қисқа муддатли кредитлар (21600) Муддати 1 йилгача бўлган жамғарма депозитлар (20400) Муддати 1 йилгача бўлган муддатли депозитлар (20600) РЕПО битимлари бўйича сотиб олинган қимматли қоғозлар (22300) Муддати 1 йилгача бўлган банк томонидан чиқарилган қимматли қоғозлар (23600)		Қисқа муддатли кредитлар (11900,12100,12300,1240 0,12500,12600, 12700, 2900,13000,13100,13200, 13300) Олди-сотди қимматли қоғозлари (10700) Сотишга мўлжалланган қимматли қоғозларга қилинган инвестиция (10800) Факторинг (11100) Сотиб олинган векселлар (11300) Репо битимлари бўйича сотиб олинган қимматли қоғозлар (11800) Банкнинг тўланмаган акцептлари бўйича мижозларнинг мажбуриятлари (11500, 11700)	
В гуруҳ бўйича жами	440100,0	В гуруҳ бўйича жами	629800 ,0
3-НАТИЖА (440 100,0 - 629 800 ,0)	-189 700,0		
Банкнинг тўланмаган акцептлари (21400)		Қимматбаҳо тангалар (10900)	

Юқорида белгиланган қоидалар асосида банкнинг Б гуруҳ: Узоқ
муддатли ресурслар манбалари ва узоқ муддатли ресурслар ҳисобидан

шакллантирилган активлар ҳисобини юритувчи ҳисобварақларни 3-жадвалда келтирилган тартибда жойлаштирамиз ҳамда уларнинг Бош китобдаги қолдиқларини жамлаб ёзиб чиқамиз.

Б гуруҳ таҳлили натижасида банкнинг узоқ муддатли ресурслар ҳисобидан 80 100 млн. сўмлик маблағ ортиқча ишлатилгани маълум бўлди. Биз уни «2-натижа» деб атаймиз. Умуман, бу манфий кўрсаткични ижобий баҳолаб бўлмайди. Чунки банк узоқ муддатли активлар билан узоқ муддатли ресурслар ўртасидаги мутаносибликни сақлашга ҳаракат қилиши зарур эди. Лекин банк «1-натижа» бўйича универсал ресурс ҳисобланган банк капиталининг 124 500,0 млн. сўмлик бўш маблағи мавжуд эканлигини ҳисобга олган ҳолда шундай таваккалчилик қилган бўлиши мумкин.

Шу муносабат билан айрим ғарб мутахассисларининг банк ресурсларини бошқаришнинг «олтин қоида» деб ном олган актив ва пасивларни бошқаришда мутлақ муддатлилик мезонига риоя қилиш бўйича берган тавсиясида юқоридаги банк капитали ҳамда узоқ муддатли ресурслар ва узоқ муддатли активлар бўйича қилган таҳлилларимиз натижаси инобатга олинмаганини пайқаш кийин эмас.

«1 ва 2-натижа»ларни миқдорий таққослаб, банк тасарруфида яна 44 400 (124 500 - 80 100) млн. сўмлик бўш маблағ мавжуд эканлигига амин бўлдик, банк уларни даромад келтирувчи активларга йўналтириши мумкин. Лекин бундай қарорга қилишдан олдин В гуруҳ моддаларини ҳам юқоридаги тартибда таҳлил қилиш зарур.

Юқорида қўлланилган усуллар асосида банкнинг В гуруҳ: Қисқа муддатли ресурслар манбалари ва, қисқа муддатли ресурслар ҳисобидан шакллантирилган активлар ҳисобини юритувчи ҳисобварақларни 4-жадвалда келтирилган тартибда жойлаштирамиз ҳамда уларнинг Бош китобдаги қолдиқларини жамлаб ёзиб чиқамиз.

В гуруҳ моддаларининг таҳлили натижасида банкнинг қисқа муддатли ресурслар ҳисобидан 189 700,0 млн. сўмлик маблағ ортиқча ишлатилгани

маълум бўлди. Уни «3-натижа» деб атаймиз ва аниқ салбий кўрсаткич сифатида баҳолаймиз. Чунки «1 ва 2-натижа»лар бўйича банк тасарруфида фақат 44 400 (124 500 - 80 100) млн. сўмлик бўш маблағ мавжуд эди. Банкнинг қисқа муддатли активлари билан қисқа муддатли ресурслари ўртасидаги номутаносиблик мана шу бўш сумма, яъни 44 400 млн. сўм атрофида бўлиши лозим эди. Банк эса бу кўрсаткични бузди, натижада «ресурс хатари» юзага келди.

Шу ўринда ҳақли савол туғилади, банк томонидан ортиқча ишлатилган 145 300,0 (44 400,0 - 189 700,0) млн. сўмлик маблағ клердан пайдо бўлди ёки банк қилган таваккалчилик туфайли юзага келган бу кемтик қайси маблағлар ҳисобига копланди?

Банк ўз вакиллик ҳисобварағида миқдорлар учун сақлаб туриши керак бўлган маблағларнинг бир қисмини (145 300,0 млн. сўмлик) даромад келтирувчи қисқа муддатли активларга йўналтириб юборган. Вужудга келган мазкур «ресурс хатари» шакл-шубҳасиз «ликвидлилик хатари»га айланиши мумкин.

Бу хулосанинг қанчалик тўғрилигини исботлаш учун 5-жадвалнинг энг сўнгги моддалари – Соф ликвид маблағларга бўлган талаблар ва соф ликвид маблағлар билан таъминланган қисми ўртасидаги мутаносибликни таҳлил қиламиз. Маълумки, вакиллик ҳисобварағида мавжуд бўлиши лозим бўлган маблағлар дейилганда эгаларининг талаб қилиши биланоқ бериладиган муддатсиз ресурслар тушунилади. Иқтисодий адабиётларда ҳам, қонун ҳужжатларида ҳам улар «талаб қилиб олингунча сақланадиган депозитлар» деб номланади. Шунингдек, бундай муддатсиз ресурсларга номаълум муддатларга қўйилган давлат ташкилотларининг мақсадли маблағларини ҳам киритиш мумкин. Ушбу ресурслар талаб қилингунча сақланадиган ресурслар ҳисоблангани сабаб банк уларни ўз вакиллик ҳисобварағида соф ликвид маблағлар сифатида сақлаб туриши лозим.

Соф ликвид маблағларга вакиллик ҳисобварағидаги маблағлар, кассадаги нақд пуллар, Марказий банк ва бошқа банкларда олиниши лозим бўлган маблағлар, Ҳукумат ҳисобварақлари ва банкнинг ўзига тегишли бўлган бошқа активлар киради.

Юқорида қўлланилган усуллар асосида банкнинг Г гуруҳ: Соф ликвид маблағларга бўлган талаблар ва соф ликвид маблағлар ҳисобини юритувчи ҳисобварақларни 5-жадвалда келтирилган тартибда жойлаштирамиз ҳамда уларнинг Бош китобдаги колдикларини жамлаб ёзиб чиқамиз.

5-жадвал

Соф ликвид маблағларга бўлган талаблар	Сумма	Соф ликвид маблағлар билан таъминланиш	Сумма
Талаб килиб олинганча сақланадиган депозитлар (20200)		Кассадаги нақд пул (10100)	
Бошқа банк ҳисобварақлари (20800,21000)		Марказий банкдан олиниши лозим бўлган маблағлар (10305,10307, 10309,10311,10397)	
Клиринг трансакциялар (23100,23200,23500)		Банкнинг бошқа вакиллик ҳисобварақлари (10500)	
Мижозларнинг бошқа депозитлари (22600, 29804, 29842)		Бошқа активлар (16300, 16400, 7100,17300,17400)	
Ҳукуматга тегишли даромадлар (23400)		Ҳукумат ҳисобварақлари (17500)	
		Бошқа маблағлар ва чеклар (19901,19903)	
Соф ликвид маблағларга бўлган жами талаблар	255 924,6	Бошқа соф ликвид маблағлар билан таъминланган қисми	94,071,0
Вакиллик ҳисобварағига бўлган талаб (255 924.6-235 550,6)	161 854,0	Вакиллик ҳисобварағидаги ҳақиқатдаги колдик (10301)	16 554,0

4-НАТИЖА (16 554,0 - 145 300,0)	-145300,0		
---------------------------------	-----------	--	--

5-жадвалдаги ҳисобварақлар колдиклари бўйича ҳосил қилинган маълумотларни таққослаймиз. Демак, соф ликвид маблағларга бўлган жами талаблар суммаси 255 924, 6 млн. сўмга тенг бўлиши лозим. Банк шу маблағларнинг 94 071 млн. сўмини бошқа соф ликвид маблағлар билан таъминлаган, қолган қисми эса банк вакиллик ҳисобварағида мавжуд бўлиши керак ёки унинг колдик суммаси 161 854,0 (255 924,6 - 235 550,6 (94 071) млн. сўмга тенг бўлиши лозим. Лекин ҳақиқатда унинг колдик суммаси 16 554,0 млн. сўм бўлиб, мавжуд бўлиши лозим бўлган суммадан 145 300,0 (161 854,0 - 16 554,0) млн. сўмга кам. Демак, бу банк вакиллик ҳисобварағида миқдорлар учун сақланиши лозим бўлган маблағлардан даромад келтирувчи активларга ишлатиб юборилган ортикча (- 145 300,0 млн. сўм) суммадир. Бу манфий кўрсаткич бизга охириги «4-натижа»ни беради.

Юқоридаги ҳисоб-китоб ишлари ишончли бўлганини яна бир марта назоратдан ўтказиш учун «4-натижа»ни «1, 2 ва 3-натижа»ларнинг «Якуний сумма»си бўлган – 145 300,0 (124 500 - 80 100 - 189 700,0) билан миқдорий таққослаймиз. Уқувчига тушунарли бўлиши учун 2, 3, 4 ва 5 -жадваллардаги жами суммаларни навбатдаги 6-жадвалга жойлаштирамиз (бу ҳисоб-китоб ишлари ҳам дастурий амалга оширилади).

Кўриниб турибдики, «1, 2 ва 3-натижа»ларнинг «Якуний сумма»си билан «4-натижа» тенг бўлиб чиқди; бошқача бўлиши ҳам мумкин эмас. Чунки даромадли акшвлар ва уларга мос ресурслар ўртасидаги номуносивблик банкнинг вакиллик ҳисобварағидаги номувофиқликда намоён бўлади. Агар охиригида қанча маблағ етмаслиги кўринса, олдингида эса шу маблағлар қандак активларга йўналтирилганлиги аниқланган. Фақат ресурс ва активлар иқтисодий мазмуни ҳамда муддатлилиги бўйича тўғри ва аниқ баҳоланиши лозим.

Демак, юқорида баён қилинган Ҳисоб-варақлар режасидан фойдаланган холла дастурий усулни қўллаб, куннинг хохлаган вақтидаги банк вакиллик ҳисобварағи ҳолатини ёки 2015 йилнинг 1 январидан бошлаб жорий қилинган «ликвидликни коплаш меъёри»ни таъминлаш даражасига баҳо берса бўлади. Айни пайтда бу усул Марказий банк томонидан тижорат банкларини назорат қилиш мақсадида қўлланилиши мумкин.

Албатта, таклиф қилинган усул янгилик, у дунёнинг бошқа мамлакатларида қўлланилаётган услублардан фарк қилди. Маълумки, ҳар қандай янгиликнинг қай даражада ҳаётийлигини амалиёт тасдиқлайди. Шу билан бирга, тавсиямиз «тилла тарози» билан ўлчанган аниқликдаги натижалар беради дейишдан йироқмиз. Натижанинг қанчалар аниқ бўлиши мутахассислар малакасига боғлиқ. Шу билан бирга, уни янада такомиллаштириш имкониятлари ҳам мавжуд.

6-жадвал

Банк ресурлари манбалари	Сумма (млн. сўм)	Ресурслар ҳисобидан шаклантирилган активлар	Сумма (млн. сўм)
А гуруҳ бўйича жами	200400,0	А гуруҳ бўйича жами	75900,0
Б гуруҳ бўйича жами	10400,0	Б гуруҳ бўйича жами	90500,0
В гуруҳ бўйича жами	440100,0	В гуруҳ бўйича жами	629800,0
Жами ресурслар	650900,0	Жами активлар	796200,0
Якуний сумма	- 145300,0		
Вакиллик ҳисобварағига бўлган талаблар	161854,0	Вакиллик ҳисобварағидаги ҳақиқатдаги қолдиқ	16554,0
4-НАТИЖА	- 145300,0		
Вакиллик ҳисобварағига бўлган талаб (255 924,6 - 235 550,6)	161854,0	Вакиллик ҳисобварағидаги ҳақиқатдаги қолдиқ (10301)	16554,0
4-НАТИЖА (16 554,0 - 145 300,0)	- 145300,0		

Бундан ташқари, бу усулдан янада самаралироқ фойдаланиш учун амаллагн Ҳисобварақлар режасига айрим ўзгартиришлар киритилса мақсадга мувофиқ бўларди. Чунончи, амалдаги Ҳисобварақлар режасида айрим ликвид активлар ва талаб қилиб олингунча сакланадиган мажбуриятлар учун алоҳида ҳисобварақлар очилган, лекин юқори ликвидликка эга бўлган иқтисодий ҳамкорлик ва ривожланиш ташкилоти (ОЭСР) давлатлари ҳукуматлари ҳамда фонд бозори ривожланган давлатларнинг машҳур трансмиллий компаниялари қимматли қоғозларининг ҳам ҳисоби юритиладиган ҳамда тўлаш муддати 30 кунгача бўлган мажбуриятлар бўйича эса ҳисобварақ мавжуд эмас. Кейинги кўрсаткич миқдорини бошқа барча муддатли мажбуриятлар ҳисоби юритиладиган ҳисобварақлардан қўлда йиғиб олишга тўғри келади. Бу жуда кўп меҳнат талаб қиладиган амалиётдир. Бундан ташқари, қўлда амалга ошириладиган тадбирлар хатолик ва чалкашликларга олиб келиши мумкин. Шу муносабат билан амалдаги Ҳисобварақлар режасига янги «10717 – ОЭСР ва фонд бозори ривожланган давлатлар машҳур трансмиллий компанияларининг облигациялари» ҳамда «20203 – Муддати 30 кунгача бўлган мажбуриятлар» ҳисобварағи киритилса, банк ликвидлигини Ҳисобварақ режасига асосан дастурий равишда ҳисоб-китоб қилиш учун имконият яратилган бўлар эди.

3.3. Банкларни узоқ муддатли кредитларини улар молиявий ресурсларини ташкил этишдаги истиқболи

Мамлакат тижорат банкларининг инвестицион кредитлари иқтисодиётнинг реал секторида амалга ошириладиган инвестицион лойиҳаларни молиялаштиришнинг муҳим манбаига айланиб бормоқда. Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И.А. Каримов таъкидлаганидек, 2012 йилда республикада тижорат банклари томонидан

ажратилган кредитларнинг 76 фоиздан зиёди уч йилдан ортиқ муддатли кредитлар экани эътиборга молик⁹ деб таъкидлаган эди.

Кўрсатиб ўтилган маълумотлардан кўринадик, таҳлил қилинган давр мобайнида узоқ муддатли кредитларнинг жами кредитлар ҳажмидаги салмоғи юқори ва барқарор тарзда сакланиб қолган. Бу тижорат банклари томонидан мамлакатимиздаги йирик саноат корхоналари ва давлат устувор инвестицион лойиҳаларини молиялаштиришда фаол иштирок этаётганлиги билан изоҳланади. Агар 2008 йилда узоқ муддатли кредитлар салмоғи 78,3%ни ташкил этган бўлса, 2012 йилда бу кўрсаткич 15661,1 млрд. сўмга етган ёки 76,8 %ни ташкил этган. Тижорат банклари иқтисодиётнинг реал секторини узоқ муддатли кредит ресурсларига бўлган талабини тўлақонли қондириши учун ўз депозит базасини мустаҳкамлаб бориши талаб этилади. Классик мактаб намоёндалари А.Смит ва Д.Рикардолар миллий иқтисодиётнинг барқарор ўсишини таъминлашда муддати жиҳатидан узун пулларга, яъни капитал жамғарилиш суръатларига боғлиқ равишда амалга оширилишини таъкидлашади. Бунда икки асосий омил, яъни миқдорий ўсиш ва инвестицион ресурсларнинг сифати алоҳида аҳамият касб этишини эътироф этишган.

Инвестиция оқимининг даражаси биринчи навбатда ишлаб чиқариш фаолиятидан олинadиган фойдага, иккинчидан эса жамғарма ҳажмига, яъни капитал кўйилма манбасига боғлиқ эканлигини таъкидлайдилар¹⁰.


Иқтисодчи олим А.Маршалл фикрича, молия бозорида иккита катта гуруҳ молиявий ресурсларга эҳтиёжи бор субъектлар, яъни узоқ муддатли ресурсларни тегишли тўлов асосида ўзлаштирувчилар ва молиявий бозор таклифини шакллантирувчилар, яъни молиявий муассасалар бир-бирига чамбарчарс боғлиқ ҳолда фаолият юритади¹¹.

⁹ Каримов И.А. Бош мақсадимиз – кент қўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш. – Тошкент: Ўзбекистон, 2013. – Б.7.

¹⁰ Блауг М. Экономическая мысль в ретроспективе. Стр 58 М.: 1994, Жид. III, Рист. III.

¹¹ Тарануха Ю.В., Земляков Д.Н. микроэкономика. –М.: Дело и сервис, 2002, -С.28

Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари кредитларининг муддати бўйича таркиби (фоиз ҳисобида)¹²



Маълумки, банк ресурс базаси таркибида узоқ муддатли депозитлар улушининг юқорилиги банкларнинг молиявий барқарорлигини мустаҳкамлашга ва уларнинг актив операцияларини амалга оширишга ижобий таъсир кўрсатади. Тижорат банкларининг узоқ муддатли ресурсларини мустаҳкамлашдан кўзланган мақсад иқтисодиётдаги вақтинчалик бўш пул маблағларини банкларга муддатли ва жамғарма депозитларга жалб қилиш, шунингдек, давлат ва нодавлат пенсия ҳамда инвестиция фондлари, суғурта компаниялар маблағлари ҳисобига шакллантириш орқали ушбу маблағларни ишлаб чиқаришни ривожлантириш йўналтиришда иборатдир. Жаҳон иқтисодиётининг глобаллашуви ва молиявий институтлар ўртасида рақобатнинг кучайиши жамиятдаги мавжуд молиявий ресурслардан оқилона фойдаланиш заруратини келтириб чиқармокда. Тижорат банклари ихтиёрида узоқ муддатли молиявий


¹² Ўзбекистон Республикаси Марказий банки сайти www.cbu.uz маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган

ресурсларнинг етишмаслиги иқтисодий жиҳатдан ривожланишига салбий таъсир кўрсатиш билан бирга, турли даражадаги ижтимоий ва иқтисодий рискларнинг келиб чиқишига олиб келади.

Биринчи Президентимиз И.А. Каримов таъкидлаганидек, банк ишини такомиллаштириш, аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларнинг бўш пул маблағларини тижорат банклари депозитларига жалб қилишни рағбатлантириш ишлари устувор вазифа бўлиб қолади¹³. Мамлакатимизда аҳоли даромадларининг ошиб бориши билан уларнинг таркиби ҳам ўзгариб, тадбиркорлик фаолиятидан олинаётган даромаднинг салмоғи барқарор ўсиб бораётгани алоҳида эътиборга моликдир. Аҳоли даромадларининг ошиши, ўз навбатида, уларнинг банклардаги омонатлари салмоғининг ошишига олиб келади.

6-диаграмма

Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларининг жами депозитлари қолдиғи (трлн. сўм)¹⁴



¹³ Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. – Т.: Ўзбекистон, 2009, - Б. 52.

¹⁴ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки сайти www.cbu.uz маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган

6-диаграммада келтирилган маълумотлардан кўринадик, 2008-2016 йилларда давомида тижорат банкларидаги жами депозитлар қолдиғи юқори ўсиш тенденциясига эга бўлган. Агар 2008 йилда тижорат банкларидаги жами депозитлар қолдиғи 8,6 трлн. сўмни ташкил этган бўлса, 2016 йилга келиб бу кўрсаткич 33,7 трлн. сўмга етган ёки 2,6 марта ўсган. Бу ҳолат мамлакат аҳолисининг банк муассасаларига бўлган ишончини йилдан-йилга мустаҳкамланиб бораётганлигини ва хўжалик юритувчи фирма ва ташкилотларнинг даромадлари ошиб бораётганидан далолат беради.

Республикамиз ҳукумати томонидан тижорат банклари инвестицион фаолияти ривожланишини қўллаб-қувватлаш бўйича чора-тадбирлар амалга оширилди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2009 йил 28 июндаги 1166-сонли “Тижорат банкларининг инвестицион лойиҳаларини молиялаштиришга йўналтирилган узоқ муддатли кредитлари улушини кўпайтиришни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарорига Муфовик, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг мажбурий заҳира ставкаларини тижорат банклари депозитларининг муддатига боғлиқ равишда табақалаштирилганлиги ва 2016 йилнинг 1 январигача тижорат банклари тўлайдиган фойда солиғи ставкасининг узоқ муддатли кредитларнинг банклар кредит портфелидаги улушига боғлиқ равишда табақалаштирилганлиги мамлакатимиз тижорат банкларининг инвестицион фаолиятини ривожлантиришга кучки туртки беради.

7-диаграммада келтирилган маълумотлардан кўринадик, 2008-2016 йиллар мобайнида тижорат банклари томонидан ажратилган кредитлар ва инвестицион кредитлар миқдорида ўсиш тенденцияси кузатилган. 2008 йилда тижорат банклари томонидан берилган жами кредитларнинг ҳажми 6374,4 млрд. сўмни ташкил қилган бўлса, инвестицион кредитларнинг ҳажми 1534,1 млрд. сўмни ташкил қилган. 2016 йил якунлари бўйича эса тижорат банклари томонидан берилган жами кредитларнинг ҳажми 34187,1 млрд. сўмни ташкил қилган бўлса, шу давр мобайнида инвестицион кредитларнинг ҳажми 12315,3

млрд. сўмга етган. Таҳлил натижалари 2008-2016 йиллар оралиғида тижорат банклари кредитлари ҳажми 3,3 марта, инвестицион кредитлари ҳажми 3,7 марта ошганидан далолат беради.

7-диаграмма

Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари томонидан ажратилган кредитлар ва инвестицион кредитлар (млрд. сўм)¹⁵



Бугунги кунда тижорат банклари инвестиция портфелларининг диверсификация даражасининг сизиларли даражада паст эканлиги кузатилмоқда. Жумладан, 2013 йилнинг 1 январь ҳолатига, республикамиз тижорат банклари инвестиция портфелларининг 60 фоизи давлат қимматли қоғозларига қилинган инвестицияларга тўғри келади¹⁶. Бу эса, ўз навбатида тижорат банклари инвестиция портфелларининг диверсификация даражасининг паст эканлигидан далолат беради. Чунки халқаро банк амалиётида бир эмитентнинг қимматли қоғозларига қилинган инвестицияларнинг банк инвестиция портфелидаги салмоғининг 7 фоиздан ошиши диверсификация принципининг бузилишини англатади.

¹⁵ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки сайти www.cbu.uz маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган

¹⁶ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки сайти www.cbu.uz маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган

Кредит ташкилотлари (тижорат банклари)нинг ривожланганлик даражасини аниқлаш учун тижорат банклари томонидан инвестицион кредитлаш ҳолатини Ўзбекистон Республикаси ЯИМ ҳажмига нисбатан солиштирма таҳлили 8-диаграммада ифода этилган.

8-диаграмма

Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари жами кредитларининг ва инвестиция кредитларининг ЯИМдаги салмоғи (фоиз ҳисобида)¹⁷



8-диаграмма маълумотларидан кўринадики, 2008-2016 йиллар мобайнида кредит қўйилмаларининг ҳажми ўсиши билан бирга, бу даврда унинг таркибига кирувчи инвестицион кредитлар мутлақ миқдорининг ўсиш тенденцияси кузатилган. Ўзбекистон Республикаси тижорат банклари, томонидан 2016 йилда умумий кредит қўйилмаларнинг ҳажми 2008 йилга нисбатан 3,2 мартага ошган бўлса, унинг таркибидаги инвестицион кредитлар ҳажми 3,7 марта ошган, лекин шу таҳлил этилаётган даврда ЯИМ ҳажмининг ўсиш ҳолати 2,6 мартага ошганини кузатиш мумкин. Бу мазкур тенденциянинг давлат томонидан ишлаб чиқиляётган инвестицион сиёсатнинг самарали амалга ошириляётгани, банкларнинг капиталлашув даражаси ортаётганини, шунингдек, уларнинг инвестицион кредитлар ажратиш имкониятларининг кенгайётганидан далолат беради.

¹⁷ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки сайти www.cbu.uz маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган

**IV Боб. АТБ Асакабанк Афросиёб филиалида ҳаёт фаолияти
хавфсизлигини ҳолати ва самарали ташкил этиш йўллари
4.1. Ҳаёт фаолияти хавфсизлигининг аҳамияти**

Ватанимиз миллий давлатчилиги ва иқтисодий мустақиллиги, қудратли интеллектуал салоҳиятининг юксак бўлишида сиёсий, ҳуқуқий, маънавий ва маърифий йўналишларда олиб борилаётган кенг қамровли тадбирлар мажмуасида, аҳоли ва ҳудудларни турли вазиятлардан муҳофаза қилиш, инсон хавфсизлиги ва саломатлигини сақлаш алоҳида ўрин тутди, шунинг учун ҳам бу соҳа миллий давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти И.А. Каримов мазкур масаланинг долзарблигига алоҳида эътибор бериб, республикаимиз мустақиллигининг дастлабки йиллариданоқ «Сиёсатимизнинг асл моҳияти аҳоли хавфсизлигини таъминлаш, уларни турли хил офатлар ва фавқулодда вазиятлардан ҳимоя қилишдир» деб алоҳида таъкидлаб келмоқдалар.

Олдинги асрда икки қарама-қарши сиёсий қарашларнинг бир-бирига фаол қаршилиги вақтларида бутун аҳоли қатлами фақат замонавий қирғин қуроллари ва ҳужумкор воситалардан ҳимояланиш руҳида тарбияланган бўлса, ҳозирги вақтда фуқаро муофазаси янги ижтимоий-иқтисодий зарурият асосида шаклланимоқда, мамлакатимизни ва аҳолини турли фалокатлар ва алоқатлардан сақлаш уларнинг меҳнатини, яшабини муҳофаза этиш руҳида тарбиялашга йўналтирилмоқда.

Шунинг учун фуқароларни турли бўладиган таъсирлардан сақлаш ҳозирги куннинг долзарб вазифаларидан ҳисобланса, худди шундай бизнинг ўлкамиз табиий офатлар (ер силкиниши, ер сурилиши, сел, сув тошқини ва ҳ.к.) бўлишига мойил ўлка бўлганлигидан ҳамда техноген авариялар ва экологик мувозанатни бузилиши натижасида унинг оқибатларидан, фуқаролар меҳнат муофазасини, халқ хўжалиги тармоқларини, моддий ресурсларни, техникаларни ва табиатни асраш, зарар кўрган ҳудудларда

кутариш – тиклаш ишларини олиб бориш ҳам жуда муҳим вазифалардан ҳисобланади.

Юқоридаги вазифаларни ҳал қилишда Ўзбекистон минтақаси учун хос бўлган табиий офатларни, ишлаб чиқариш аварияларини ва юзага келадиган экологик вазиятларни фуқаро ҳаёт фаолиятидаги меҳнат хавфсизлигини чуқур таҳлил этиш натижасидагина ҳар қандай вазиятлардаги моддий, маънавий йўқотишлар кўламини қисқартиришга еришиш мумкин.

Инсон ва табиат жамият ўртасидаги муносабатда ҳам, инсон табиатнинг қонунлари ва ундан келиб чиқадиган кўпгина ҳодисаларнинг олдида жамиятларнинг ўртасида ёки бошқа сабаблардан келиб чиқадиган вазиятларда ҳозирда инсон ожизлик қилиши мумкин.

4.2. АТБ Асакабанк Афросиёб филиали ходимлари ходимлари меҳнат ва ёнгин хавфсизлиги доирасидаги чора-тадбирлари

Саноатнинг барча тармоқларида ходимлар саломатлигини ҳимоя қилиш, меҳнат шароитларини яхшилаш ва техника хавфсизлигини таъминлашга доир омилларини излаб топиш, меҳнатни самарали ижодга айлантириш жамиятимизнинг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади.

Ходимларнинг саломатлигини сақлаш касб касалликлари ва захарланишларнинг олдини олишда, шунингдек уларни камайитиришда, ишга қабул қилишдан олдин ўтказиладиган тиббий кўрик ҳамда ишлаб чиқаришда зарарли, нохуш меҳнат шароитларида ишлаётган ходимларни даврий кўриктан ўтказиб туриш чора-тадбирлар ичида муҳим ўрин тутди.

Раҳбарлар таркибини, тузилмалар ва аҳолини ўқитишда уларни амалий машғулотларга жалб қилиш катта аҳамиятга эга. Амалий машғулотлар раҳбарлар таркибини, Фуқаро муҳофазаси(ФМ)¹⁸ кучларини ва аҳолини ФМ вазифаларини бажаришга тайёрлашнинг юқори ва фаол шакли ҳисобланади. Амалий машғулотларда тузилмаларга кирган фуқароларнинг аниқ ва

¹⁸ Фуқаро муҳофазаси кейингиларда-ФМ

тартибли ҳаракатлари, турли хил жихозлар, асбоб-ускуналар, техникалардан фойдаланиш услублари ўрганилади, алоқа ва тузилмаларни бошқариш масалалари ишлаб чиқилади.

ФМнинг амалий машғулотларини замон талабларига мос ҳолда ўтказиш, фуқароларни душман томонидан қўлланиладиган замонавий қурол воситаларидан, шунингдек, ҳудудимизда кузатиладиган табиий офатлар, ишлаб чиқариш авариялари ва фожиалар оқибатларидан муҳофаза қилиш, одамларда маънавий-ижтимоий психологик сифатларни тарбиялаш, объектларни узлуксиз фаолият кўрсатишини таъминлаш, қутқарув ва тиклов ишларини ошириш бўйича билимларини, қобилиятларини ошириш имконини беради.

Ёнғин халқ хўжалигига катта моддий зарар келтиради. Бир неча минут ёки соат ичида жуда катта миқдордаги халқ бойликлари ёниб кулга айланади. Ёнғин вақтида ажралиб чиқадиган тутун, карбонат ангидрид ва бошқа зарарли ҳид ҳамда газлар атмосферага кўтарилиб, ҳавонинг таркибини бузади. Бундан ташқари, кишиларнинг жароҳатланишига, ҳатто ўлимига сабаб бўлади. Буларнинг ҳаммаси, ёнғинга қарши кураш тадбирлари ва ишларнинг хавфсиз бажариш усулларини меҳнат муҳофазаси билан биргаликда ўрганишни тақозо қилади.

Республикамизнинг ҳар бир фуқароси жамоат ва давлат мулкани кўз қорачиғидай сақлаши, асраб авайлаши, уни бойитиш ҳақида қайғуриши керак. Шунинг учун корхоналарда ёнғиннинг олдини олиш ва ўт ўчириш тадбирлари кенг жамоатчиликка суянган ҳолда олиб борилади. Ёнғин муҳофазасини ташкил қилиш касбий ва ихтиёрий турларга бўлинади.

Касбий ёнғин муҳофазаси ўз навбатида ҳарбийлаштирилган (йирик шаар ва муҳим объектларга хизмат кўрсатади), ҳарбийлаштирилмаган (туман марказлари ва йирик саноат объектларига хизмат кўрсатади) ва тармоқ (айрим бирлашма ва корхоналарга хизмат кўрсатилади) турларига бўлинади.

Ёнғин хавфи кам бўлган ҳамда кичикроқ корхона ва муассасаларда

ёнғин муҳофазаси ва объектни қўриқлаш хизмати биргаликда қўшиб олиб борилади. Корхоналарда ёнғин муҳофазасини ташкил қилиш ва ёнғин чиқишини огоғлантириш ўт ўчириш техникаси ҳамда қуролларини алоқа ва ўчириш воситаларини жанговар ҳолатда сақлаш, ёнғин чиққан тақдирда уларни ўчиришда фаол қатнашиш, ҳал мулкани асраб-авайлаб сақлаш борасида тарғибот ва ташвиқот ишларини олиб боришни тақозо этади.

Омборхона, устахоналардаги ёнғин хавфсизлиги учун жавобгарлик, уларнинг раҳбарлари ёки шу раҳбарлар вазифасини бажариб турган кишилар зиммасига юклатилади.

Республикамизда шаҳарлар, қишлоқлардаги аҳоли зинч яшайдиган жойлар ва халқ хўжалиги объектларининг ёнғин муҳофазасини мустакамлаш учун ёнғинга қарши кураш режа асосида олиб борилади ва шу тўғрисида доим ғамхўрлик қилиб келинади. Ана шу ёнғин муҳофазаси ишининг икки асосий йўналиши бор:

- биринчидан, ёнғиннинг олдини олишга қаратилган илмий-техник ва ташкилий тадбирларнинг режали мажмуи;

- иккинчидан, объектлар, шаҳар ва қишлоқлардаги аҳоли зинч яшайдиган жойларда ёнғинни ўчиришни ташкил қилиш.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Ёнғинга арши кураш бошқармасининг вазифаси давлат мулкани, фуқаролар шахсий мулкани ёнғиндан салашдан иборат, шу билан бирга ёнғин назорати ташкилотлари ташкилий, назорат ва маъмурий ишларни амалга оширади. Уларнинг вазифаларига қуйидагилар киради:

- Ҳамма идоралар, корхоналар ва алоҳида шахслар учун мажбурий бўлган ёнғин муҳофазасига доир қоидалар, меъёрлар, йўриқномалар ишлаб чиқиш ва уларни чоп этиш;

- саноат, фуқаро бинолари ва иншоотларини, аҳоли пунктларини лойиҳалаш, қуришда ёнғин хавфсизлиги қоидалари ва меъёрларининг бажарилишини текшириш;

- Ҳамма ташкилотлар, муассасалар, корхоналардаги ўт ўчириш бўлинмаларининг шайлигини ва ўт ўчириш воситаларининг созлигини каттиқ назорат қилиш ҳамда текшириш.

Ўзбекистон Республикаси ёнғин назорати ташкилотлари ўз вазифаларини муваффақиятли бажаришлари учун уларга қуйидаги ҳуқуқлар берилган:

- ёнғин хавфсизлиги жиҳатидан қай ҳолатдалигини аниқлаш мақсадида барча саноат бинолари ҳамда иншоотлари, омборхоналар ва уйларни текшириш;

- корхоналар маъмурияти ва алоҳида шахслардан объектларнинг ёнғин хавфсизлиги нуқтаи назаридан қай ҳолатдалигини аниқлаш учун зарур бўлган маълумот ҳамда ҳужжатларни тақдим этишни талаб қилиш;

- ёнғин хавфсизлиги қоидалари бузилганлигини аниқлашда корхона раҳбарларига ана шу бузилишларни бартараф этиш юзасидан мажбурий фармойишлар бериш ва бунинг учун зарур муддатларни белгилаш;

- ёнғин ва портлаш хавфини юзага келтирувчи оида бузқилишларини аниқлашда ана шу бузилишлар бартараф этилгунга қадар корхонанинг ишини бутунлай ёки қисман тўхтатиб қўйиш;

- ёнғин хавфсизлиги қоидаларининг бузилиши ёки бажарилмаслигида айбдор бўлган кишиларни маъмурий ёхуд жиноий жавобгарликка тортиш.

Ишчи-хизматчилар ўз иш ўрнидаги ёки ўзи ишлайдиган бўлинмадаги ёнғин хавфсизлиги талабларини яхши билишлари ва уларга қатъий амал қилишлари, ўт ўчириш воситаларидан фойдалана олишлари, меҳнат ҳамда технология интизомига қатъий риоя қилишлари, ёнғин ҳамда портлаш жиҳатидан хавфли модда ва ашёларни ишлатишни билишлари зарур.

Ҳар қандай объектда ёнғинни муваффақиятли ўчириш учун ёнғинга қарши курашиш тадбирларини олдиндан амалга ошириш катта аҳамиятга эга. Корхоналардаги ёнғинларнинг ҳарактерли хусусиятларидан бири шуки, ёнғиннинг бошланишида ҳарорат тез кўтарилади ва қуюқ тутун ажралиб

чиқади. Масалан, аланганинг ўртача тарқалиш тезлиги тўқимачилик корхоналарда 0,35-0,65 м/мин. бўлса, чанг ва момиқ юзаларга тўпланиб қолган ҳолларда 1-2 м/мин. ни ташкил этади. Тажрибаларнинг кўрсатишича корхона цехларида аланга майдонининг тарқалиш тезлиги 8-12 м²/мин. ни ташкил этади.

Бунинг оқибатида ёнғинни бошланғич давридаёқ ўчириш имкони бўлмайди. Шу билан бирга бу шароит кишиларни эвакуатсия қилиш ишини, ўт ўчириш бўлимларининг фаолиятини қийинлаштиради. Агар ўтни ўчириш бўйича самарали тадбирлар зудлик билан амалга оширилмаса, ёнғин тезда ривожланиб, катталашиб кетади.

Буларнинг ҳаммаси корхонани ёнғинга қарши ҳар томонлама пухта тайёргарлик кўришга мажбур қилади. Бу тайёргарликнинг асосий шартларидан бири ёнғинни ўчириш бўйича тезкорлик билан режа ишлаб чиқишдир. Бунинг учун шароитни ҳисобга олган ҳолда, бўлиши мумкин бўлган энг мураккаб ёнғин кўзда тутилади ва унинг асосида воситалар ва кишилар сони ҳисоблаб чиқилади.

Тезкорлик билан тузилган режа чизма ҳамда матндан иборат бўлади. Чизма қисмида корхонанинг асосий ишлаб чиқариш биноси ва унга ёндошган ёрдамчи бинолар, йўллар ва сув манбаларининг биргаликдаги схемаси кўрсатилади. Режада ўт ўчириш учун ишлатилиши мумкин бўлган барча сув манбалари, улар билан бино орасидаги масофалар кўрсатилиши ва ўт ўчириш бўлимлари ўз насосларини қайси сув манбаига ўрнатишлари ҳам кўрсатилиши керак. Зарур бўлса, кўп қавақтли биноларда ҳар бир қавақтнинг режаси ва унинг қирқими илова қилинади. Бу режа барча зарурий ахборотлар билан таъминланиши лозим.

Режанинг матн қисмида шу бинонинг ўзига хос хусусиятлари, ёнғин пайтида одамларни эвакуатсия қилиш, моддий бойликларни сақлаб қолиш, келаётган ўт ўчириш бўлимларининг еркин ҳаракат қилишлари ва қутқарув ишларини амалга ошириш тадбирлари кўрсатилади. Режада ўт ўчириш

штабига корхона маъмурияти вакиллари жалб қилиш кўзда тутилади. Бунда ёнғин пайтида ўт ўчириш штабига жалб қилинган ҳар бир раҳбар нима қилиш аниқ ва тўлиқ ёзиб чиқилади.

Саноат корхонасининг ёнғин жихатидан хавфсизлиги корхона ҳудудида бинолар, автомобил йўллари, термийўлларнинг оқилона жойлаштирилишига, сув резервуарлари, ўт ўчирувчилар депосининг мавжудлиги ҳамда жойлашувига кўпроқ эътибор берилди.

Корхонанинг бош режасида ишлаб чиқариш бинолари ва иншоотларнинг жойлашуви шамол йўналишининг қўлдастасига асосан лойиҳаланади. Корхона ҳудуди энг яқин тураржой даҳасига нисбатан шамолга тескари томонда жойлаштирилади. Ёнғин жихатидан энг хавфли бино ва иншоотлар ҳам корхонанинг бош режасида шу нуқати назар асосида, бино ҳамда иншоотларнинг гуруҳланишини ҳисобга олиб, ишлаб чиқаришнинг технологик жараёни ва ёнғин хавфи белгиларидан келиб чиққан ҳолда жойлаштирилиши лозим.

4.3. АТБ Асакабанк Афросиёб филиалида фавқулодда ҳолатлар доирасидаги чора-тадбирлари

Фавқулодда вазият (ФВ)¹⁹ — маълум ҳудудда юз берган фалокат, ҳалокат ва бошқа турдаги офатлар натижасида кишиларнинг ўлимига, саломатлигига, теварак атрофдаги табиий муҳитга сезиларли моддий зарар этказувчи, одамларнинг турмуш шароитини бузилишига олиб келадиган ҳолатдир.

Фавқулодда вазиятлар хавфнинг тарқалиш тезлигига кўра, қуйидаги гуруҳларга бўлинади:

а) тасодифий ФВ — ер силкиниши, портлаш, транспорт воситалардаги авариялар ва бошқалар;

б) шиддатли ФВ — ёнғинлар, заҳарли газлар отилиб чиқувчи

¹⁹ Фавқулодда вазият кейингиларда-ФВ

портлашлар ва бошқалар;

в) мўтадил (ўртача) ФВ — сув тошқинлари, вулқонларнинг отилиб чиқиши, радиоактив моддалар оқиб чикувчи авариялар ва бошқалар;

г) равон ФВ — секин-аста тарқалувчи хавфлар: қурғоқчилик, эпидемияларнинг тарқалиши, тупроқнинг ифлосланиши, сувни кимёвий моддалар билан ифлосланиши ва бошқалар.

Фавқулодда вазиятлар яна тарқалиш миқёсига (шикастланганлар сонига ҳамда моддий йўқотишлар миқдорига қараб) кўра 4 гуруҳга бўлинади:

1 Локал (объект миқёсидаги) ФВ;

2 Маҳаллий ФВ;

3 Республика (миллий) ФВ;

4 Трансчегаравий (глобал).

Локал Фавқулодда вазият — бирор объектга тааллуқли бўлиб, унинг миқёси ўша объект ҳудуди билан чегараланади. Бундай вазият натижасида 10 дан ортиқ бўлмаган одам жабрланган ёки 100 дан ортиқ бўлмаган одамнинг ҳаёт фаолияти шароитлари бузилган ёхуд моддий зарар Фавқулодда вазият павдо бўлган кунда энг кам ойлик иш ҳақи миқдорининг 1 минг бараваридан ортиқ бўлмаган миқдорни ташкил этган ҳисобланади. Бундай ФВ оқибатлари шу объект кучи ва ресурслари билан тугатилади.

Маҳаллий тавсифдаги Фавқулодда вазият — аҳоли яшайдиган ҳудуд (аҳоли пункти, шаҳар, туман, вилоят) билан чегараланади. Бундай вазият натижасида 10 дан ортиқ, бироқ 500 дан кам бўлмаган одамнинг ҳаёт фаолияти шароитлари бузилган ёхуд моддий зарар Фавқулодда вазият пайдо бўлган кунда энг кам ойлик иш ҳақи миқдорининг 1 минг бараваридан ортиқни, бироқ 0,5 миллион бараваридан кўп бўлмаган миқдорни ташкил этган ҳисобланади.

Республика (миллий) тавсифдаги Фавқулодда вазият дейилганда — Фавқулодда вазият натижасида 500 дан ортиқ одамнинг ҳаёт фаолияти шароитлари бузилган ёхуд моддий зарар ФВ пайдо бўлган кунда энг кам

ойлик иш хақи миқдорининг 0,5 миллион бараваридан ортиғини ташкил этадиган, ҳамда ФВ минтақаси вилоят чегарасидан ташқарига чиқадиган, республика миқёсида тарқалиши мумкин бўлган ФВ тушунилади.

Трансчегаравий (глобал) тавсифдаги Фавқулодда вазият дейилганда эса, оқибатлари мамлакат ташқарисига чиқадиган ёхуд ФВ чет элда юз берган ва Ўзбекистон ҳудудига дахлдор ҳолат тушунилади.

Эпидемия — одамларнинг гуруҳ бўлиб юқумли касалланиши, уларнинг захарланиши (захарли модда билан ҳамда озиқ-овқатдан оммавий захарланиш); эпизоотия — ҳайвонларнинг оммавий касалланиши ёки нобуд бўлиши; Эпифитотия эса ўсимликларнинг оммавий нобуд бўлишидир.

Техноген тусдаги Фавқулодда вазиятларга 7 хил турдаги вазиятлар киради:

1) Транспортлардаги авариялар ва ҳалокатлар — экипаж аъзолари ва йўловчиларнинг ўлимига, ҳаво кемаларининг тўлиқ парчаланишига ёки қаттиқ шикастланишига ҳамда қидирув ва аварияқидирув ишларини талаб қиладиган авиа ҳалокатлар;

Ёнғинга, портлашга, ҳаракатланувчи таркибининг бузилишига сабаб бўлган ва темир йўл ходимларининг ҳалокат ҳудудидаги темир йўл платформаларида, вокзал биноларида ва шаҳар иморатларида бўлган одамлар ўлимига, шунингдек, ташланган кучли таъсир кўрсатувчи захарли модда (КТЗМ)лар билан ҳалокат жойига туташ ҳудуднинг захарланишига олиб келган темир йўл транспортдаги ҳалокат ва фалокатлар;

Портлашларга, ёнғинларга, транспорт воситаларининг парчаланишига, ташилаётган КТЗМларнинг зарарли хоссалари намоён бўлишига ва одамлар ўлими (жароҳатланиши, захарланиши)га сабаб бўладиган автомобил транспортининг ҳалокати ва авариялари, шу жумладан, йўлтранспорт ходисалари;

Одамларнинг ўлимига, шикастланишига ва захарланишига, метрополитен поёздлари парчаланишига олиб келадиган метрополитен

бекатларидаги ва тунелларидаги ҳалокатлар, авариялар, ёнғинлар;

Газ, нефт маҳсулотларининг отилиб чиқишига, очиқ нефт ва газ фаввораларининг ёниб кетишига сабаб бўладиган магистрал қувурлардаги авариялар.

2) Кимёвий хавфли объектлардаги авариялар:

Теваракатроф табиий муҳитга таъсир қилувчи захарли моддаларнинг (авария ҳолатида) одамлар, ҳайвонлар ва ўсимликларнинг кўплаб шикастланишига олиб келиши мумкин бўлган ёки олиб келган тақдирда, йўл қўйиладиган чегаравий концентрациялардан анча ортиқ миқдорда санитария — химоя ҳудудидан четга чиқишига сабаб бўладиган кимёвий хавфли объектлардаги авариялар, ёнғин ва портлашлар.

3) Ёнғин, портлаш хавфи мавжуд бўлган объектлардаги авариялар: Технологик жараёнда портлайдиган, осон ёниб кетадиган ҳамда бошқа ёнғин учун хавфли моддалар ва материаллар ишлатиладиган ёки сақланадиган объектлардаги одамларнинг механик ва термик шикастланишларига, захарланишларига ва ўлимига, асосий ишлаб чиқариш захираларининг нобуд бўлишига, Фавқулодда вазиятлар ҳудудларида ишлаб чиқариш маромининг ва одамлар ҳаёт фаолиятининг бузилишига олиб келадиган ёнғинлар ва портлашлар;

Одамларнинг шикастланишига, захарланишига ва ўлимига олиб келадиган ҳамда қидирув-қутқариш ишларини ўтказишни, нафас олиш органларини муҳофаза қилишнинг махсус анжомларини ва воситаларини қўллашни талаб қилувчи кўмир шахталаридаги ҳамда конруда саноатидаги газ ва чанг портлаши билан боғлиқ авариялар, ёнғинлар ва жинсларнинг қўпорилиши.

4) Энергетика ва коммунал тизимлардаги авариялар: Саноат ва қишлоқ-хўжалиги маҳсулотлари истеъмолчиларининг авария туфайли энергия таъминотисиз қолишига ҳамда аҳоли ҳаёт фаолиятининг бузилишига олиб келадиган ГЭС, ГРЭС, ИЭСлардаги, туман иссиқлик марказларидаги электр

тармоқлардаги буғқозон қурилмаларидаги, компрессор, газ тақсимлаш шахобчаларидаги ва бошқа энергия таъминоти объектларидаги авариялар, ёнғинлар, аҳоли ҳаёт фаолиятининг бузилишига ва саломатлигига хавф туғилишига олиб келадиган газ қувурларидаги, сув чиқариш иншоотларидаги, сув қувурларидаги, канализация ва бошқа коммунал объектларидаги авариялар;

Атмосфера, тупроқ, ер ости ва ер усти сувларининг одамлар саломатлигига хавф туғдирувчи даражада концентрациядаги зарарли моддалар билан ифлосланишига сабаб бўладиган газ тозалаш қурилмаларидаги, биологик ва бошқа тозалаш иншоотларидаги авариялар.

5) Бино ва иншоотларнинг бирдан қулаб тушиши билан боғлиқ авариялар:

Одамлар ўлими билан боғлиқ бўлган ва зудлик билан аварияқутқарув ўтказилишини ҳамда зарар кўрганларга шоншшнч тиббий ёрдам кўрсатилишини талаб қиладиган мактаблар, касалхоналар, кинотеатрлар ва бошқа ижтимоий йўналишдаги объектлар, шунингдек, уй-жой сектори бинолари конструкцияларининг тўсатдан бузилиши, ёнғинлар, газ портлаши ва бошқа ходисалар.

6) Радиоактив ва бошқа хавфли ҳамда экологик жihatдан зарарли моддалардан фойдаланши ёки уларни сақлаш билан боғлиқ авариялар:

Санитария-ҳимоя ҳудуди ташқарига чиқариб ташланиши натижасида пайдо бўладиган юқори даражадаги радиоактивлик одамларнинг йўл қўйиладиган кўп миқдорда нурланишини келтириб чиқарадиган технологик жараёнда радиоактив моддалардан фойдаланадиган объектлардаги авариялар; радиоактив материалларни ташиш вақтидаги авариялар; радиоизотоп буюмларнинг йўқотилиши; биологик воситаларни ва улардан олинадиган препаратларни тайёрлаш, сақлаш ва ташишни амалга оширувчи илмий-тадқиқот ва бошқа муассасаларда биологик воситаларнинг атроф-муҳитга чиқиб кетиши ёки йўқотилиши билан боғлиқ вазиятлар.

7) Гидротехник иншоотлардаги ҳалокатлар ва авариялар: Сув омборларида, дарё ва каналлардаги бузилишлар, баланд тоғлардаги йўллардан сув уриб кетиши натижасида вужудга келадиган ҳамда сув босган ҳудудларда одамлар ўлимига, саноат ва қишлоқ хўжалиги объектлари ишининг, аҳоли ҳаёт фаолиятининг бузилишига олиб келадиган ва шошилиш кўчириш тадбирларини талаб қиладиган ҳалокатли сув босишлари.

Экологик тусдаги ғавқулодда вазиятлар. Экологик тусдаги ФВлар асосан 3 хил бўлади:

1. Қуруқлик (тупроқ, ер ости)нинг ҳолати ўзгариши билан боғлиқ вазиятлар: ҳалокатли кўчкилар — фойдали қазилмаларни қазиб чоғида ер остига ишлов берилиши ва инсоннинг бошқа фаолияти натижасида ер юзасининг ўпирилиши, силжиши;

Тупроқ ва ер саноати туфайли келиб чиқадиган токсикантлар билан ифлосланиши, оғир металллар, нефт маҳсулотлари, шунингдек, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида одамларнинг соғлиғи учун хавф солувчи концентрацияларда қўлланиладиган пестицидлар ва бошқа зарарли химикатлар мавжудлиғи.

2. Атмосфера (ҳаво мухити) таркиби ва хоссалари ўзгариши билан боғлиқ бўлган вазиятлар:

Ҳаво мухитининг қуйидаги ингридиентлар билан экстремал юқори ифлосланиши:

— олтингугуртли оксид, азотли оксид, углеродли оксид, диоксид, қурум, чанг ва одамлар соғлиғига хавф солувчи концентрацияларда антропоген тусдаги бошқа зарарли моддалар;

— кенг қўламда кислотали ҳудудлар ҳосил бўлиши ва кўп миқдорда кислота чиқиндилари ёғилиши;

— радиациянинг юқори даражаси.

3. Гидросфера ҳолатининг ўзгариши билан боғлиқ вазиятлар:

Ер юзаси ва ер ости сувларининг саноат ва қишлоқ-хўжалиги ишлаб чиқариши оқовалари;

Нефт маҳсулотлари, одамларнинг заҳарланишига олиб келган ёки олиб келиши мумкин бўлган, таркибида оғир металллар, ҳар хил заҳарли химикатлар мавжуд чиқиндилар ва бошқа зарарли моддалар билан экстеремал юқори даражада ифлосланиши;

Биолар, муҳандислик коммуникациялари ва уй-жойларнинг эмирилишига олиб келиши мумкин бўлган ёки олиб келган сизот сувлар миқдорининг ортиши;

Сув манбалари ва сув олиш жойларининг зарарли моддалар билан ифлосланиши оқибатида ичимлик сувининг кескин етишмаслиги.

Ҳозирги вақтда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти — БМТ бўйича фавқулодда вазиятларнинг тавсифига яна қўшимча қилиб:

- а) ижтимоий-сиёсий тавсифдаги ФВ;
- б) ҳарбий тавсифдаги ФВ ни киритиш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорига кўра бизнинг минтақада 7 хил ФВ турлари тасдиқланган:

- 1. Зилзилалар, ер сурилиши;
- 2. Сел, сув тошқинлари ва бошқалар;
- 3. Кимёвий хавфли объектларда авария ва фалокатлар (ўткир заҳарли моддаларнинг ажралиб чиқиши);
- 4. Портлаш ва ёнғин хавфи мавжуд объектлардаги авария ва фалокатлар;
- 5. Темир йўл ва бошқа транспорт воситаларида ташиш пайтидаги авария ва фалокатлар;
- 6. Хавфли эпидемияларнинг тарқалиши;
- 7. Радиоактив манбалардаги авариялар.

Фуқаро муҳофазаси давлат тизимлари — ҳарбий даврда ҳам, тинчлик даврида ҳам юзага келадиган хавфлардан аҳолини, ҳудудларни, моддий бойликларни муҳофаза қилишда муҳим вазифаларни бажаради. Бу борада

Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 26 майда қабул қилган «Фуқаро муҳофазаси тўғрисида» ги қонунида ўз аксини топган.

4.4. АТБ Асакабанк Афросиёб филиалида фаолият кўрсатаётган ходимларга тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича амалга оширилиб келаётган ишлари ва уни мукаммалаштириш йўллари

Касал бўлиб қолганда, меҳнат лаёқатини йўқотганда ва бошқа ҳолларда фуқаролар профилактик, ташхис қўйиш-даволаш, куч-қувватни тиклаш, санаторий-курорт, протез-ортопедия ёрдами ва бошқа хил ёрдамни, шунингдек беморларни, меҳнатга лаёқатсиз ва ногирон кишиларни боқиш-парваришлаш юзасидан ижтимоий чора-тадбирларни, шу жумладан, вақтинча меҳнатга лаёқатсизлик нафақаси тўлашни ўз ичига оладиган тиббий-ижтимоий ёрдам олиш ҳуқуқига эга.

Тиббий-ижтимоий ёрдам тиббиёт ходимлари ва бошқа мутахассислар томонидан кўрсатилади.

Фуқаролар ўзларини ихтиёрий равишда тиббий суғурта қилдириш асосида, шунингдек корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг маблағлари, ўз шахсий маблағлари ҳамда қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан қўшимча тиббий ва бошқа хил хизматлардан фойдаланиш ҳуқуқига эга.

Фуқароларнинг айрим тоифалари протезлар, ортопедик ва мослама буюмлар, эшитиш аппаратлари, ҳаракатланиш воситалари ва бошқа махсус воситалар билан имтиёзли тарзда таъминланиш ҳуқуқига эга. Бундай ҳуқуққа эга бўлган фуқароларнинг тоифаларини, шунингдек уларни таъминлаш шартлари ва тартибини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси белгилайди.

Фуқаролар ихтисослашган соғлиқни сақлаш, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш муассасаларида тиббий экспертизадан ўтиш ҳуқуқига эга.

Биринчи медицина ёрдамининг вазифаси энг оддий чораларни кўриш

билан шикастланган одам ҳаётини қутқариб қолиш, унинг азоб-уқубатларини камайтириш, рўй бериши эҳтимол асоратларнинг олдини олиш, шикаст ёки касалликнинг ўтишини енгиллаштиришдан иборатдир.

Биринчи медицина ёрдами шикастланиш ҳодисаси рўй берган жойда шикастланган одамнинг ўзи (ўз-ўзига ёрдам бериш), ўртоғи (ўзаро ёрдам), санитар дружиначилар томонидан берилиши мумкин. Биринчи медицина ёрдамига кирадиган чора-тадбирлар қуйидагилардан иборат: қон оқишини вақтинча тўхтатиб қўйиш, баданнинг жароҳатланган ва куйган жойига стерил боғлам қўйиб боғлаш, сунъий нафас олдириш ва юракни билвосита массаж қилиш, антидотлар билан укол қилиш, антибиотиклар бериш, оғрик қолдирадиган дорилар юбориш,(шок маҳалида), ёниб турган кийимни учириш, транспортда олиб бориш учун шикастланган жойни қимирламайдиган қилиб боғлаб қўйиш (транспорт иммобилизацияси), одамнинг баданини иситиш, иссиқ ва совуқдан пана қилиш, противогаз кийгизиш, шикастланган кишини заҳарланган жойдан олиб чиқиш, қисман санитар обработкасидан ўтказиш.

Бир йўла ҳар хил турдаги шикастга учраган одамга биринчи медицина ёрдами кўрсатишга киришилар экан, айрим усул-амалларнинг тартибни белгилаб олиш керак. Чунончи, сон суяги очик синиб, артериядан қон кетиб турган маҳалда биринчи навбатда ҳаёт учун хатарли бўлган қон кетишини тўхтатиш, кейин жароҳатга стерил боғлам қўйиш ва шундан кейингина оёқни қимирламайдиган қилиб боғлашга (иммобилизация қилиб қўйишга) киришиш: синган жойни ҳеч қимирламайдиган қилиб қўйиш учун махсус шина солиб боғлаш ёки қўлида бор воситалардан фойдаланиш керак.

Хулоса

Республикамиз тижорат банклари томонидан ажратилаётган инвестицион кредитлар ҳажмини ошириш учун биринчидан, банк ресурслар базасига аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектлар бўш пул маблағларини узоқ муддатга жалб қилишни рағбатлантирувчи механизмларни такомиллаштириш, яъни тижорат банклари томонидан жозибадор қимматли қоғозларини муомалага чиқаришни жонлантириш орқали узоқ муддатли ресурс манбаини шакллантириш керак. Иккинчидан, тижорат банклари узоқ муддатли кредитлаш шаклларида, яъни лойиҳаларни молиялаштириш, синдикатли кредитлаш ва венчурли кредитлаш шаклларида кенг фойдаланиш лозим.

Маълумки, банк ресурс базаси таркибида узоқ муддатли депозитлар улушининг юқорилиги банкларнинг молиявий барқарорлигини мустаҳкамлашга ва уларнинг актив операцияларини амалга оширишга ижобий таъсир кўрсатади. Тижорат банкларининг узоқ муддатли ресурсларини мустаҳкамлашдан кўзланган мақсад иқтисодиётдаги вақтинчалик бўш пул маблағларини банкларга муддатли ва жамғарма депозитларга жалб қилиш, шунингдек, давлат ва нодавлат пенсия ҳамда инвестиция фондлари, суғурта компаниялар маблағлари ҳисобига шакллантириш орқали ушбу маблағларни ишлаб чиқаришни ривожлантириш йўналтиришда иборатдир.

Тижорат банкларининг узоқ муддатли ресурсларини мустаҳкамлашдан кўзланган мақсад иқтисодиётдаги вақтинчалик бўш пул маблағларини банкларга муддатли ва жамғарма депозитларга жалб қилиш, шунингдек, давлат ва нодавлат пенсия ҳамда инвестиция фондлари, суғурта компаниялар маблағлари ҳисобига шакллантириш орқали ушбу маблағларни ишлаб чиқаришни ривожлантириш йўналтиришда иборатдир.

Банкларнинг узоқ муддатли ресурсларга бўлган эҳтиёжларини таъминлаш ва мамлакатимиздаги ёш оилаларни уй жойга бўлган талабини

кондириш мақсадида тижорат банклари томонидан узоқ муддатли (камида 10-15 йилга мўлжалланган) ипотека қимматли қоғозларини муомалага чиқариш мақсадга мувофиқ.

Тижорат банклари ресурслари таркибида муддатли депозит маблағлари салмоғини ошириш ва банкдан ташқари айланмаларни зарур даражада камайтириш мақсадида муддатли ва жамғарма депозитларга нисбатан Марказий банкнинг мажбурий заҳира талабини 0 фоиз миқдорида жорий этиш лозим.

Тижорат банклари ресурслари таркибида депозит бўлмаган маблағларни ривожлантириш мақсадида Марказий банкнинг қайта молиялаш инструментининг аҳамиятини ошириш ва банкларнинг арзон молиявий ресурсларга бўлган эҳтиёжини тўлиқроқ таъминлаш мақсадга мувофиқ.

Марказий банкнинг амалдаги қайта молиялаш ставкасини босқичма-босқич ривожланган ва МДХ мамлакатлари банк тизими даражасига келтириш мақсадга мувофиқ, шунингдек, реал иқтисодиётни кредитлашга йўналтириш мажбуриятини олган барча банкларга, шу жумладан АТБ Асакабанк Афросиёб филиалига Марказий банкнинг қайта молиялаш ставкаси орқали берилаётган кредитдан фойдаланиш имкониятини бериш лозим.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. –Т.: Ўзбекистон, 2016. – 62 б.
2. Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодекси. (Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексини тасдиқлаш тўғрисида»ги 2007 йил 25 декабрдаги 136-сон қонуни билан тасдиқланган) (кейинчалик киритилган ўзгартиришлар ва қўшимчаларни ҳисобга олган ҳолда).
3. Ўзбекистон Республикаси Бюджет Кодекси (Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасининг Бюджет кодексини тасдиқлаш тўғрисида”ги 2013 йил 26 декабр ЎРҚ-360-сон қарори билан тасдиқланган).
4. Каримов И.А. Инсон манфаатлари устуворлигини таъминлаш – барча ислохот ва ўзгаришларимизнинг бош мақсадидир. – Т.: Ўзбекистон, 2008. – 29 б.
5. Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. – Т.: Ўзбекистон, 1998. - 686 б.
6. Каримов И.А. Бош мақсадимиз – кенг қўламли ислохотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш. //Халқ сўзи, 2013 йил 19 январь, 13-сон
7. Каримов И.А. Бош мақсадимиз – мавжуд қийинчиликларга қарамасдан, олиб бораётган ислохотларни, иқтисодиётимизда таркибий ўзгаришларни изчил давом эттириш, хусусий мулкчилик, кичик бизнес ва тадбиркорликка янада кенг йўл очиб бериш ҳисобидан олдинга юришдир. //Халқ сўзи, 2016 йил 15 январ. 12-сон.
8. Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз - жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислох этишдир. – Т., 2005. - 88 б.
9. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий

жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак. //Халқ сўзи, 2017 йил 15 январь, 13-сон.

10. Абдуллаева Ш.З. Банк рисклари ва кредитлаш. Тошкент, 2002. - 107 б.
11. Абулқосимов Х.Р., Хамраев О.Я. Иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солиш. Ўқув қўлланма. – Т.: Иқтисод-молия, 2014. – 304-б.
12. Ансофф И. Стратегический менеджмент. – СПб.: Питер, 2011. – 344 с
13. Баканов М.И., Мельник М.В., Шеремет А.Д. Теория экономического анализа. - М.: Финансы и статистика, 2007. - 536 с.
14. Барулин С.В. Финансы. – М.: КНОРУС, 2011. – 640 с.
15. Бочаров В.В. Корпоративные финансы. – СПб.: Питер, 2012.
16. Вахабов А., Разыкова Г. Модернизация экономики. Учебное пособие. – Т.: Iqtisod-moliya, 2014. – 200 с.
17. Вахабов А.В. ва бошқ. Жаҳон иқтисодиёти ва халқаро иқтисодий муносабатлар. Ўқув қўлланма. – Т.: Iqtisod-moliya, 2014. – 372 б.
18. Вахабов А.В., Санакулова Б.Р. Кичик бизнес ва тадбиркорликни солиққа тортиш. Дарслик. – Т.: Иқтисод-молия, 2013. – 388-б.
19. Деньги, кредит, банки : учебник / коллектив авторов ; под ред. О.И. Лаврушина. – 12-е изд., стер. – М.: КНОРУС, 2014. – 448 с.
20. Зайналов Ж и др.. Управление банковскими рисками в условиях модернизации экономики.. - М.: ООО «Пресс-Принт», 2013. – 36 с.
21. Иминов О. Кредитный механизм современных условиях. Монография. – Т.: ТГЭУ, 2000.
22. Қудратов С. Тижорат банкларида корпоратив бошқарув. Ўқув қўлланма. – Т.: Академнашр, 2016. – 160 б.
23. Лапыгин Ю.Н. Инвестиционная политика: учебное пособие / А.А. Балакирев, Е.В. Бобкова и др.; под ред. Ю.Н. Лапыгина. – М.: КНОРУС, 2011. – 320 с.
24. Лукасевич И. Я. Финансовый менеджмент. Учебник. – М.: ЭКСМО, 2010. – 768 с.

25. Мирзаев Ф., Давронов Ш. Тижорат банклари фаолияти: инновацияси, инжиниринги ва рискларни бошқариш амалиёти. Монография. – Т.: Молия, 2014. – 160 б.
26. Норқобилов С. Банк иши. – Т.: Молия, 2012. – 280 б.
27. Нурмухамедова Б., Кабирова Н. Финансы. Учебное пособие. – Т.: Iqtisod-moliya, 2010. – 380 с.
28. Организация деятельности центрального банка : учебник/Г.Г. Фетисов, О.И. Лаврушин, И.Д. Мамонова ; под общ. ред. Г.Г. Фетисова. - 3-е изд., стер. - М.: КНОРУС, 2008. – 432 с.
29. Пул-кредит соҳасидаги мавжуд вазият ва монетар сиёсатнинг 2017 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари. // Бозор, пул ва кредит, 2017 йил январ 1-сон
30. Рахимов М.Ю. Иқтисодиёт субъектлари молиявий ҳолатининг таҳлили. Ўқув қўлланма. – Т.: Иқтисод-молия, 2013. – 392-б.
31. Саидов Д., Қуллиев И. Пул муомаласи ва кредит. Ўқув қўлланма. – Т.: Иқтисод-молия, 2014. – 268 б.
32. Симановский, А. Ю. Банковское регулирование: реэволюция // Деньги и кредит. – 2014. – № 3. – С. 3-11.
33. Соколов А.А. Теория налогов. М.: ЮрИнфоР-Пресс, 2003. -230 с.
34. Суэтин А.А. Международные валютно-финансовые отношения: учебник / А.А. Суэтин. - 4-е изд., перераб. и доп. – М.: КНОРУС, 2010. – 440 с.
35. Тарануха Ю.В., Земляков Д.Н. микроэкономика. –М.: Дело и сервис, 2002, -С.28
36. Тошматов Ш.А. Кичик тадбиркорлик субъектларини солиққа тортиш асослари. – Т.: Молия, 2012. – 97 б.
37. Тошматов Ш.А., Ражаббаев Ш.Р. ва бошқалар. Молиялаштиришнинг инновацион усуллари. Монография. – Т.: Молия, 2015. – 160 б.
38. Ўлмасов А., Шарифхўжаев М. Иқтисодиёт назарияси. – Т.: Мехнат, 1995. – 180 б.

39. Ходиев Б.Ю., Карлибаева Р.Х., Расулов Н.М. Корпоратив бошқарув: Ўқув қўлланма. – Т.: ТДИУ, 2011. - 301 б.
40. Ҳасанов Р.Р., Ҳайдаров Н.Х., Маликов Т.С. Молиявий бошқарув. – Т.: Гафур Ғулом, 2009. – 840 б.
41. Ҳусанов Ғ. ва бошқалар. Молиявий менежмент. – Т., 2008. – 264 б.
42. Шодибекова Д.А. Кичик бизнесни бошқариш. Ўқув қўлланма. – Т., 2010. – 280 б.
43. Юлдашев С. ва б. Молиявий менежмент. – Т.: Ворис, 2013. – 160 б.
44. Журнал ва газеталар:
- Бозор, пул ва кредит 2010-2016 йиллар ва 2017 йил 1-4 сонлари;
 - Ўзбекистон иқтисодий ахборотномаси 2010-2016 йиллар ва 2017 йил 1-4 сонлари;
 - Солиққа тортиш ва бухгалтерия ҳисоби 2010-2016 йиллар ва 2017 йил 1-4 сонлари;
 - Молия 2010-2016 йиллар ва 2017 йил 1-2 сонлари;
 - Иқтисодиёт ва таълим 2010-2016 йиллар ва 2017 йил 1-2 сонлари;
 - Солиқ ва божхона хабарлари 2010-2016 йиллар ва 2017 йил 1-4 сонлари.
45. Интернет сайтлари:
- [http: //www.finansy.ru](http://www.finansy.ru)
- [http: //www.iqtisodiyot.uz](http://www.iqtisodiyot.uz)
- [http: //www.mf.uz](http://www.mf.uz)
- [http: //www.stat.uz](http://www.stat.uz)
- [http: //www.lex.uz](http://www.lex.uz)